Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 10 август, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 59 (6756)

Даъват

Билим, маърифат яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим.

Абу Наср Форобий

Ибрат

Хива шаҳридаги Феруз номли ўрта мактаб директори Давлатёр Раҳимнинг ташаббуси билан бу йил биринчи синфга борадиган болаларнинг ота-оналарига лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосини ўргатиш бепул йўлга қўйилди.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА 21 КУН ҚОЛДИ

Август кенгашларига саноқли кунлар қолди. Йиғин ўтадиган жой, унинг безатилиши ҳал этилдими? Ялпи йиғилиш ва шўъбаларни ўтказиш шакллари, тартиби масалалари белгиландими?

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида «Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодни бошқаришни такомиллаштириш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш» мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда республикамиздаги олий ўқув юртларининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик бўйича проректорлари қатнашдилар. Йиғинни Узбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири О. Салимов бошқариб борди.

— Бугун боқимандалик кайфияти билан яшаб бўлмайди, — деди вазир О. Салимов, — Бюджетдан ташқари маблағлар топиш учун, тўғрироғи, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, ўйлайманки, ҳар бир олий ўқув юртининг кенг имкониятлари бор.

Хўш, бу имкониятлардан унумли фойдалана олаяпмизми? Тадбиркорликни ривожлантириш учун яна қандай чора-тадбирлар кўриш мумкин? Семинар-кенгаш қатнашчилари ушбу муаммолар юзасидан қизиқарли баҳс-мунозаралар олиб бордилар, ўз таклифларини ўртага ташладилар. Кенгашли тўй тарқамас, дейдилар. Насиб бўлса, тез орада ўртага ташланган таклифлар ўз мевасини беради.

Мухбиримиз.

Маълумки, мамлакатимизда буюк келажак эгалари бўлмиш болалар соғлиғи йўлида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу ўринда, «Соғлом авлод учун» шиори остида бирлашиб, меҳнат қилаётган қанча-қанча фидойи инсонлар номини фахр билан тилга олиш мумкин. Кўчма тиббий гуруҳларда эл-улус оралаб, маҳалла-кўй кезиб болалар тан сиҳатлигини кузатиб юрган шифокорлар сафида Ҳ. Ҳожиева (1-сурат) ва Л. Ялаеваларни (2-сурат) ҳам учратишингиз мумкин.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМЛАРИ

**1992 йил 28 февралда «Республиканинг янги олий ўқув юртларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.*

**1992 йил 2 июль — Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)га аъзо бўлди.*

**1992 йил 2 июль — Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби қабул қилинди.*

**1992 йил 8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси эълон қилинди.*

Бугун олий ўқув юртлари сиртқи бўлимларининг, ўрта махсус билим юртларининг абитуриентлари учун тест синовлари бўлиб ўтади.

Ҳунар билим юртларида

ЮТУҚЛАР СОЯСИДАГИ НУҚСОНЛАР

Ўқув юртларида таълим олиб, ҳунар эгаллаётган ёшлар республикамиз халқ хўжалигининг турли жабҳаларида малакали меҳнат қилаётган мутахассисларнинг бўлғуси ўринбосарларидир. Улар ҳозирги шароитда ишлаб чиқариш, фан ва техникага оид янгиликларни эгаллаб, мустақил Ўзбекистонимизнинг муносиб равишдаги ворислари бўлиб етишишади. Шундай экан, ҳунар билим юртларида ёшларга берилаётган таълим талаб даражасидами? Уларнинг замонавий технология асосида ҳунар эгаллашлари учун етарлича шароит яратилганми?

Маълумки, яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Қашқадарё ва Жиззах вилоятларидаги ҳунар билим юртларининг қишлоқ хўжалиги фаолияти таҳлил этилиб, қатор ютуқлар кўрсатиб ўтилган ҳамда, шу билан бирга, камчилик ва нуқсонлар ҳам рўйирост очиб ташланган эди. Вазирликнинг ана шу текшириш якунларига оид чиқарган буйруқларининг бажарилиши барча жойларда бўлгани каби, Фарғона вилоятида ҳам кўриб чиқилди. Бунда вилоятнинг Риштон, Бешариқ, Бағдод, Фурқат, Данғара ҳунар лицейлари, Сўх бизнес мактаби ва 23, 24, 34-ҳунар билим юртларининг ўқув хўжаликларида ишлаб чиқариш таълим машғулотларининг қай тарзда ташкил этилганлиги мисол қилиб олинди.

Кузатиш ва таҳлилий хулосалар шуни кўрсатдики, Вазирлик буйруғи педагогик кенгашларда кўриб чиқилган, махсус комиссиялар тузилган ва комиссиялар мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Барча ҳунар лицейларида буйруқлар, ўқувчиларни номма-ном қайд этиш, диплом ва шаҳодатномаларнинг ҳисобини юритиш тартиби йўлга қўйилган. Текшириш давомида 12 та назарий, ишлаб чиқариш таълими ва амалий машғулотларга қатнашилди. Дарсларнинг шакли, ташкилий методикаси ва мазмуни қониқарли деб топилди.

1994-95 йиллар учун белгиланган молия-саноат режаларини ўрганиш барча ярақли ерлар ҳунар лицейлари томонидан унумли фойдаланилаётганлигини кўрсатди. Етиштирилган ва топширилган ҳосил (пахта, буғдой, картошка, сабзавот, ер ёнғоқ) тегишли ҳужжатлар асосида ўтказилган. Гектар бошига-олинган ҳосил ҳам туманлар бўйича етиштирилган ўртача ҳосилдорлик даражасидадир.

Бешариқ, Риштон ҳунар лицейлари ва Сўх бизнес мактаби ўқув хўжаликларида ердан фойдаланишда самарали услублар қўлланилмоқда, дейиш мумкин. Масалан, Бешариқ ҳунар лицейи 36 гектар ерга пахта экиб, 27,6 центнердан ҳосил кўтарди. Бу — тумандаги

(Давоми 3-бетда)

ДОСТОНЛАРДА БИТГАН ГУЛИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН 1 СОАТЛИК МУСТАҚИЛЛИК ДАРСИНИ ЎТИШ УЧУН ТАХМИНИЙ ДАРС ИШЛАНМАСИ

Дарснинг мақсади: ўқувчиларни она-Ватанга муҳаббат, ўз-ўзини англаш, чин инсоний хислатларга эга бўлиш руҳида тарбиялаш.

РЕЖА:

1. Мустақил Ўзбекистон — ўз ўтмишига эга бўлган давлат.
2. Ўзбекистон Республикаси улкан имкониятларга эга бўлган мамлакатдир.
3. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти.
4. Мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос иқтисодий тараққиёт йўли.

Дарснинг бориши: Ўқитувчи дарсни режа асосида тушунтира бошлайди (Ўқитувчи дарс давомида Ўзбекистон Президенти портрети ва унинг ёзган асарлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Давлат байроғи, Герби, давлат мадҳияси, харитаси ва бошқа кўргазмали қуроллардан фойдаланиши мумкин).

Ўзбекистон халқи 1991 йил 31 августда ўзининг давлат мустақиллигини эълон қилди. Дунё харитасида яна битта мустақил, тўла ҳуқуқли, суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Бугун унинг барча фуқаролари Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигини ажиб бир ҳуррамлик билан нишонламоқда. Шу ўринда ўқитувчи Ўзбекистон халқи бой, кўп асрлик тарихга эгалиги, аждодларимиз илму-фаннинг ривожига, маданият ва санъат гуллаб-яшнашига, башарият тараққиётига ғоят катта ҳисса қўшганлиги, халқ қаҳрамонларининг ботирликлари тўғрисида атрофлича сўзлаб беради. Айниқса, Жалолиддин Мангубердининг ўз Ватанига, халқига бўлган меҳр-муҳаббати ҳар нарсадан улуғ бўлганлигига алоҳида урғу берилади. Башарти, у Ватанни, халқни деб меҳрибон онасидан, суюкли хотинидан, азиз фарзандларидан кўнгил узишга мажбур бўлди. Улар маслаҳатлашиб душман қўлига тирик тушгандан кўра она-Ватан бағридан оқаётган дарё сувига ғарқ бўлишни афзал кўрдилар.

Кейинчалик Ватанни мўғул босқинчиларидан озод қилиш борасида эл ўғлони Амир Темур катта жасорат кўрсатди ва Ватан мустақиллигини таъминлади.

XIX аср иккинчи яримларига келиб, чор Россияси Туркистонга қарши юриш қилиб, уни бутунлай босиб олди.

Марказий Осиё давлатлари ва халқлари 1991 йилнинг августигача мутеликда яшади. Ерли халқлар ўз-ўзига хўжайинлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлдилар. Босқинчилар қарийб 130 йилдан ошиқ давр мобайнида мустамлакачилик таъсирини ўтказиб келди. Мустақил давлатга эга бўлиш, озодликка эришиш ўзбек халқининг асрлар давомидаги орзу-умидлари эди.

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Олий Кенгаши Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилди. Ўзининг халқпарварлиги ва ватанпарварлиги туфайли халқнинг севимли фарзанди Ислом Каримов умумхалқ сайлови йўли билан Ўзбекистоннинг биринчи Президенти қилиб сайланди.

Президент ва Олий Кенгаш мустақиллигимиз белгилари бўлмиш Давлат байроғи, Герби, мадҳияси ва миллий пул бирлиги таъсис этдилар. Ўзбекистон эркин бозор иқтисодига кириб бориш, уни ҳар томонлама ўзлаштириш ва шу асосда ўз мустақиллигини мустаҳкамлашнинг ўзига хос ислоҳотлари йўлидан бормоқда. Ислоҳотларнинг ўзбек модели беш йил ичида ижтимоий-иқтисодий ва маънавий қиёфа касб этади.

Ўзбекистон — катта имкониятлар мамлакати. Унинг худудида ҳамма нарса: табиий бойликлар, ҳосилдор ерлар, қудратли иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий бойликлар мавжуддир; меҳнатсевар халқи бор.

Меҳнатсевар халқимиз — бу республиканинг чинакам бойлигидир. Республика ривожланган, кўп тармоқли

(Давоми 3-бетда)

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

7 КИЛОГРАММЛИ ВЕЛОСИПЕД

Инсоният ҳеч қачон кашфиётларни тўхтатмаса керак. Велосипед биринчи марта XVII асрда яратилган бўлса ҳам, унинг ишқибозлари ҳалигача велосипеднинг янги турларини ўйлаб топмоқдалар. Финляндиялик Хан Висрико болалар самокати шаклидаги, соатига 30 километр йўл босувчи ҳамда бор-йўғи 7 килолик велосипедни ясади.

ТЕАТРГА ТАЛАБГОР КЎП

Россия Давлат олий ўқув юртлари қўмитасининг бошлиғи Ю. Новиков берган ахборотга кўра Москвада ҳозир 88 та олий ўқув юрти бўлиб, уларнинг 40 таси гуманитар йўналишда. 1996 йилда техник билим юртларида бир ўринга икки абитуриент тўғри келган бўлса, гуманитар йўналишда бу сон тўрттани ташкил этди. Театр соҳасига тегишли жойларда эса бир ўрин учун 15-30 талабгор тўғри келган.

ЎҚИТУВЧИЛАРГА УЙ

Москва шаҳар мэри Ю. Лужков бошчилигида мактаблар борасида бир қатор ўзгаришлар олиб борилмоқда. Масалан, энди мактаблар июль ойидаёқ янги ўқув йилига тайёр қилиб қўйилиши шарт. Ишга тушаётган 16 мактабнинг ҳар бири, мэрнинг фикрича, алоҳида ихтисосликка эга. Дарвоқе, очилаётган мактаблар ёнидан ўқитувчиларга уй олиб бериш янги вазифалардан экан.

ОЛИМПИАДАЧИЛАРИМИЗ АТЛАНТАДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Америка Қўшма Штатларининг Атланта шаҳрида ўн етти кун давом этган XXVI ёзги олимпия ўйинлари якунланди.

Унда жаҳоннинг 197 давлатидан қарийб ўн бир минг спортчи иштирок этди. Бу қизиқарли беллашувларни олти миллион томошабин бевосита Атлантага келиб кўрди. Улар орасида юртимиз вакиллари ҳам бор эди. Бизнинг спортчиларимиз биринчи марта шундай йирик халқаро спорт беллашувларида мустақил Ўзбекистон давлати номидан иштирок этдилар. Дунёнинг энг кучли, манаман деган спортчилари билан майдонга тушдилар. Юртбошимизнинг сафар олдидан спортчиларимизга оқ йўл тилаганлиги уларнинг кучига-куч қўшди.

Қизғин ўтган олимпиада мусобақаларида 76 нафар вакилимиз спортнинг ўн уч тури бўйича куч синашди. Мукофотларни топшириш маросимида икки марта Ўзбекистон Республикаси байроғи кўтарилди. Дзюдочи Армен Богдасаров кумуш, боксчимиз Карим Тўлаганов бронза медалини қўлга киритди.

8 август куни Тошкентда спортчиларимизни тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Шу муносабат билан пойтахт аэропортига алоқадор ташкилот ва идоралар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, кўпдан-кўп спорт мухлислари келди.

...Икки ёнига «Ўзбекистон» сўзи ёзилган улкан ҳаво кемаси оҳиста келиб қўнади. Йиғилганлар спортчиларни карнай-сурнай садолари ва гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. Уларга анвойи гуллар тақдим этилади.

Кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев, Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊕ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Москвада, Россия давлат раҳбарининг ўз лавозимига тантанали равишда киришиш маросимида қатнашди. Президент Борис Ельциннинг Москвада бўлиб ўтган мазкур инаугурация маросими Россиядаги демократик кучлар ғалабасининг тимсоли сифатида баҳоланди.

⊕ Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига асоссиз аралашишга йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

⊕ Москвада, Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Палея» халқаро нашриётида чоп этилган «Барқарорлик ва ислоҳотлар» («Стабильность и реформы») китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. «XX аср халқ доҳийлари» туркумида нашр қилиш мўлжалланган жаҳоннинг саксондан ортиқ энг машҳур давлат арбоблари асарларининг бири айнан Ислом Каримовга, унинг машҳур нутқ ва маърузаларига бағишланди.

⊕ Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирлари Абдулазиз Комилов ва Евгений Примаков ўртасида музокара бўлиб ўтди. Учрашув ниҳоясида Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1996-1997 йилларда маданият, фан ва маориф соҳаларида ҳамкорлик дастури имзоланди.

⊕ Ҳиндистоннинг Биҳар штатида сув тошқини натижасида 70 дан ортиқ киши ҳалок бўлди. Қарийб-ки бир ой давомида муттасил ёғаётган ёмғир натижасида Ганг, Багмати ва Адхвара дарёлари қирғоғидан чиқиб, штатнинг 18 дан ортиқ тумани сув остида қолди.

⊕ Жанубий Корея прокуратураси мамлакатнинг собиқ президенти Чон Ду Хванни олий жазога, унинг издоши генерал Ро Дэ Уни эса умрининг охиригача қамоқ жазосига ҳукм қилишни талаб қиляпти. Чон Ду Хван 1979 йилда давлат тўнтариши уюштириш ва 1980 йилда Кванжу шаҳридаги намойишни куч билан бостиришда айбланмоқда.

Бошқарув тизимининг такомиллашиб бориши ҳақида маълумот олинг.

(3-бет).

ХАБАРЛАРИ — ММММ

ЧЕҲРАЛАРДА ТАБАССУМ

Усмон Юсупов туманидаги Норча Нуриддинов номли мактабнинг бир қатор жонкуяр мураббийлари тантанали равишда нафақага кузатиб қўйилди. Ушбу кечада идора ва ташкилот раҳбарлари қатнашиб, устозларига зарбоф тўнлар ҳамда эсдалик совғаларини топширдилар. Шу мактабнинг бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари йиғилганларга ўз дилрабо қўшиқ ва шеърларини ҳавола этишиб, устозларини муборакбод этишди.

ТАРАДДУД

Андижондаги Чўлпон номли педагогика билим юрти 1996-97 ўқув йили учун қизғин тараддуд кўрмоқда. Ҳозир билим юртида 2 та ЭҲМ хонаси, 1 та лингафон хонаси ташкил қилинди. Бундан ташқари 200 ўринли ётоқхона ва яна шунча ўринли ошхона тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

ЯХШИ НИЯТ

Халқаро олтин мерос хайрия жамғармасининг Қашқадарё вилояти бўлими ходимлари Узбекистон мустақиллигининг беш йиллик тўйи муносабати билан вилоятдаги кам таъминланган оилаларга ва ногиронларга моддий ёрдам беришдек савобли ишни режалаштириб қўйди.

ШОНЛИ САНАГА БАҒИШЛАБ

Улуғ бобомиз Амир Темурнинг 660 йиллиги ҳамда Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб жойларда турли-туман тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Шу муносабат билан Шаҳрисабз технология коллежида ҳам профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг илмий-назарий анжумани бўлиб ўтди. Унда кўпчилик ўқитувчиларнинг турли мавзудаги маърузалари катта қизиқиш билан тингланди.

«ГУЛЖАМОЛ» НИНГ ЖАМОЛИ

Марҳамат тумани халқ таълимми бўлимига қарашли «Гулжамол» болалар боғчасининг ўйинхоналари дид билан жиҳозланган. Бугун боғчада Мадумар Тожибоев номли жамоа хўжалиги аъзоларининг 130 нафар фарзандлари тарбияланмоқда. Ушбу тарбия маскани болалар учун турли қизиқарли тадбирлар, ҳар хил ўйинлар ўтказиши билан тумандаги бошқа боғчалардан ажралиб туради.

МУАЛЛИФЛАР: Ф. Эшқулов, Ш. Келдиев, Л. Сайфуллаева, М. Эронов, А. Эралиев.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

Ўқитувчиларнинг август кенгашларига

МАСЪУЛИЯТ ВА БУРЧ

Янги ўқув йили учун мактаб кутубхоналарининг ишларини режалаштирар эканмиз, республикамиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг қуйидаги сўзларини ёдда тутмоғимиз лозим: «Келинг, маънавият ва маърифатни юксак даражага кўтарайлик! Умумбашарий ва миллий қадриятларимиз асосида миллий мафкура ва демократик фикрлашни тарбиялаш ишларини янада кучайтирайлик».

Биз, кутубхоначилар, кутубхоначиликнинг асосий шакл ва услублари билан давлат миқёсидаги бу муҳим масалани ҳал этишга ёрдам қилишимиз даркор. Мужассамлик, мақсад сари йўналганлик, тизимлилик, адабиёт фондининг барча соҳаларда кенг қўламлилиги—буларнинг ҳаммаси китоб тарғиботида ишлатиладиган асосий тамойиллардир. Тадбирларнинг мавзуий изчиллигини режалаштиришда 1996-97 ўқув йилига байрам кунларининг мақсад сари йўналтирилган тарғиботини эътиборга олиш лозим.

1991 йилнинг сентябрида эълон қилинган Мустақиллик куни—мамлакатимиздаги энг катта байрам. Ҳозир унга катта тайёргарлик кўрилаётир. Янги ўқув йилининг 2 сентябрида ўтказиладиган биринчи дарс ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига бағишланади. Мустақиллик—бу мамлакатимиз мавқеини кўтаришга қодир бўлган соғлом авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама етук, фидокор ўғил ва қизларни тарбиялаш, давлатимиз мавқеини мустаҳкамлаш ва дунё халқлари орасида ўз ўрнига эга бўлишдир...

Шундан сўнг ўқитувчилар ёш давлатимизнинг ҳар хил соҳаларидаги ютуқлари ҳақида, ижтимоий сиёсатнинг, ҳуқуқий ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳақида сўз юритадилар. Мактаб ва мактабдан ташқари муассасалар кутубхоналарининг ходимлари эса бу санага бағишланган бир қатор тадбирларнинг режасини ишлаб чиқишлари керак.

Оғзаки ва кўргазмали тарғибот орқали ўқувчиларга Мустақиллик кунининг аҳамияти, республикамизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти бозор иқтисоди сиёсати ҳақида тушунчалар бериш керак. Кутубхоналарда мавзуий кўргазмалар, бурчаклар, ойнома ва рўзномалардаги мақолалар танлови, суҳбатлар ва китоб бозорлари, қизиқарли хабарлар соатлари каби тадбирларни ташкил этиш лозим.

Китоб кўргазмалари қуйидагича номланиши мумкин: «Ўзбекистон—келажаги буюк давлат», «Ўзбекистон—Ватаним маним», «Мустақиллик—халқ мулки», «Бугунги Ўзбекистон», «Инсон—ислоҳотлар марказида».

Узбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Олий Мажлиснинг 1-сессиясида қилган маърузасида қуйидаги фикрларни билдирди: «Сиёсат, иқтисод борасидаги ислоҳотларимизнинг асосий мақсади—инсондир. Шунинг учун, янги, миллий юксалиш фикрларини амалга ошира оладиган авлоднинг таълим-тарбия ишлари давлат иши бўлиб қолаверади».

Келажак авлоднинг таълим-тарбияси борасидаги 5 та тамойил асосий бўлиб қолаверади—жамиятимизга жисмоний, маънавий ва руҳий жиҳатдан соғлом, юксак малакали инсонлар керак, ўрта умумтаълим муассасаларининг битирувчиси узининг келажакдаги йўлини тасаввур қила олиши, маълум бир касбнинг малакаларига ва етарли даражада жавобгарлик ҳиссига эга бўлмоғи лозим. Бизнинг мақсадимиз—бўлажак фуқаролар юрагига ўтмишнинг маданий меросига эътиборли муносабатда бўлиш, миллий қадриятларни билиш ва давлатимизнинг асосий қонуни—Узбекистон Республикаси Конституциясини ҳурмат қилиш туйғуларини солиш

Узбек оиласида бола қадимдан яхшилик, меҳр-оқибат, муҳаббат, катталарга ҳурмат руҳида тарбияланиб келмоқда, кейинчалик у ота-онасидан ўрнак олади. Шу боис тарбиявий ишларнинг асоси сифатида авлодлар мероси олиниши лозим. Айнан шу нуқтаи назардан мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларнинг кутубхоналари «Оила ҳақида» китобининг тарғиботини олиб боришлари керак. Бу ўзбек халқининг удумларидир ва биз, кутубхона ходимлари, уларни ҳар томонлама мустаҳкамлашимиз ва ривожлантиришимиз даркор.

Келажак авлодни ўқитиш ва тарбиялашда иқтисодий ва ҳуқуқий тарбия каби муҳим тамойилларни ёдда тутмоғимиз зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида яшай оладиган ҳамда ишлай оладиган ёшларни тарбиялаш бугунги кунниг муҳим талабига айланади.

Ўқувчиларга иқтисодий билимларнинг асосларини ўргатиш—таълим жараёнидаги бирламчи йўналишлардандир. Халқ таълими вазирлигининг бир қатор норматив ҳужжатлари, хусусан, «Халқ таълими корхоналарида иқтисодий таълимни жадаллаштириш» буйруги (<186> 29, 29.04.96) биз, кутубхона ходимларини, иқтисодий ўқиш бўйича адабиётлар тарғиботини кучайтиришга ва жиддийлаштиришга йўналтиради ва бу, ўз ўрнида, бошланғич синф болаларини—иқтисод алифбесига, ўртанча синфларни—иқтисод фанини ўқитишга, юқори синфларни—иқтисодий билимларнинг асосларини ўргатишга жалб этишни билдиради.

Юқорида баён этилганларни назарда тутган ҳолда, кутубхона ходимларига келаси йил учун мўлжалланаётган ишларни режалаштира туриб, ўқувчи ва ўқитувчиларга кутубхоначилик-библиографик хизмат кўрсатишнинг бир қатор вариантларидан мактабда тарбиявий ишларни кучайтиришга йўналтирилган китобни тарғиб қилишнинг энг қулай шакл ва услубларини ажратишимиз лозим.

ДОНОЛАР КИТОБ ҲАҚИДА

Тараққиётнинг умумий кўламида ҳар бир халқнинг ўрни ўша халқ ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади.

Э. ЛАБУЛЕ.

***

Китоблар қалбни ёритади, инсонни юксакликка кўтаради ва кучига-куч қўшади, унда энг яхши орзу-истакларни уйғотади, ақлни чархлайди ва юракни юмшатади.

У. ТЕККЕРЕЙ.

***

Китобсиз уй — жонсиз танадай гап.

ЦИЦЕРОН

***

Атрофимда ўзларининг бўш вақтларини қандай ўтказишни билмай, энг бемаъни иш ва ўйин-кулгиларни ўйлаб топаётган кишиларни кўрар эканман, қўлимга китоб оламан-да, ўз-ўзимга: ёлғиз шунинг ўзи бир умрга кифоя-ку, дейман.

Ф. М. ДОСТОЕВСКИЙ.

***

Муаллифи фақат айтилиши лозим гапларни лозим даражада айта олган китобларгина яхши китобдир.

АРАСТУ.

Кутубхонанинг ўқув залида.

БИЛИМ — АҚЛ ЧИРОҒИ

1996 — 1997 ўқув йили учун адабиётлар кўргазмасининг тахминий мавзулари рўйхати
(Мактаб кутубхоначилари, мактабдан ташқари ташкилотчи-методистлар учун)

1. 1996 йил — Амир Темур йили.
2. Ўзбекистон мустақиллик йўлидан бормоқда.
3. Ўзбекистон — Ватаним маним.
4. Амир Темур сабоқлари.
5. Алишер Навоий сабоқлари.
6. Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.
7. Устозларга таъзим!
8. Ватанни севмоқ иймондандир.
9. Мактабимиз ўтмиши, ҳозирги куни, келажаги...
10. Биз — Ватаннинг келажагимиз!
11. Атроф-муҳитни, табиатни, оламни асранг!
12. Маҳалла — оила — мактаб...
13. Кутубхона — билим ўчоғи.
14. Тил билган — эл билар.
15. Мактабим — фахрим.
16. Инсон ва табиат.
17. Соғлом авлод учун.
18. Бола — ҳаёт безаги.
19. Меҳнат унуми — иқтисоднинг гарови.
20. Аъло ўқиш — иқтисод пойдевори.
21. Иқтисодий билимни чуқур эгаллайлик.
22. Ҳуқуқий билимлар асосида ҳуқуқий давлат тузилади.
23. Иқтисодий саводхонлик — зарурат.
24. Олимпиада — билимлар синови.
25. Билимдонлар ва зукколар.
26. Юрт мадҳи.
27. Таълим фидойилари.
28. Соғлом танда — соғ ақл.
29. Тозалик — инсон зийнати.
30 Миллий анъаналар — ҳаётга!
31. Қонун ҳамма нарсадан устивор.
32. Йўл ҳаракати қоидаларини ўрган, ёки — «Яшил чироқ».
33. Ёш ватанпарварлар.
34. Юртим, Алпомишдек посбонларинг бор!
35. Ёш ҳаваскорлар санъати.
36. Иккинчи истеъдод.
37. Комил фуқарога маскан бўл, Ватан!
38. Фозиллик сабоғи.
39. Иймоним — зътиқодим.
40. Иш билганга эл эргашар.
41. Она тили таълими ва тил завқи.
42. Миллатни маърифат қутқаради.
43. Миллий таълим сири.
44. Ёш китобхонлар, ёки «Янги китоблар».
45. Моҳир қўллар.
46. Хорижда таҳсил олаётган ўзбекистонликлар...
47. Халқаро маданий-маърифий ҳамкорлик.
48. Жаҳонга танилган аждодларимиз.
49. Мақсадимиз — тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик.
50. Маърифат хабарлари.
51. Қадимий ва навқирон Бухоро!
52. Ўзбекистон Конституцияси — тинчлик, мустақиллик тимсоли.
53. Ҳунар — зар.
54. «Одобнома».
55. Руҳият масалалари.
56. Билим — ақл чироғи.
57. Жисмонан чиниқамиз, соғлом авлод бўламиз.

МУҲИМ ВА УНУТИЛМАС САНАЛАР ТАҚВИМИ

(1996—1997 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН)

1996 ЙИЛ

СЕНТЯБРЬ

1 — Узбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллиги байрами.

— Бутун жаҳон тинчлиги куни.

— Тошкент маданий-оқартув техникуми (1936)нинг 60 йиллиги.

2 — Янги 1996/97 ўқув йилининг бошланиши: Билимлар куни.

— Узбекистон халқ шоири, ёзувчи, драматург, жамоат ва давлат арбоби Шукрулло (Ш. Юсупов) (1921)нинг 75 йиллиги.

4 — Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, мусиқашунос, педагог Я. Б. Пеккер (1906)нинг 90 йиллиги.

5 — Узбек кимёгар олими, техника фанлари доктори, профессор Ф. М. Мирзаев (1921)нинг 75 йиллиги.

8 — Журналистларнинг Халқаро бирдамлиги куни.

— Халқаро саводхонлик куни.

12(25) — Рус бастакори, пианиночи, педагог, мусиқий жамоат арбоби Д. Д. Шостакович (1906—1975)нинг 90 йиллиги.

17 — Халқаро тинчлик куни.

18(30) — Рус олими, математик, астроном, геофизик, давлат ва жамоат арбоби, академик, педагог, ношир О. Ю. Шмидт (1891—1956)нинг 105 йиллиги.

21 — Инглиз ёзувчиси Герберт Жорж Уэллс (1866—1946)нинг 130 йиллиги.

22 — Инглиз физик-олими, кимёгари, электромагнит майдони таълимоти асосчиси Майкл Фарадей (1791—1867)нинг 205 йиллиги.

27 — Бутун жаҳон туризми куни.

ОКТЯБРЬ

1 — Халқаро мусиқа куни.

4 - Француз қўшиқчи шоири Эжен Потье (1816—1887)нинг 180 йиллиги.

6 — Халқ таълими ходимлари куни.

10 — Норвег сайёҳи, океанографи, жамоат арбоби, Арктика тадқиқотчиларидан бири, академик Ф. Нансен (1861—1930)нинг 135 йиллиги.

— Узбекистон халқ артисти, театр актёри Пулат Саидқосимов (1931)нинг 65 йиллиги.

14 — Халқаро стандартлаштириш куни.

15 — Узбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимнинг 80 йиллиги.

19(31) — Татар драматурги М. Файзи (Файзуллин) (1891—1928)нинг 105 йиллиги.

20 — Қозоқ маърифатпарвари ва мутафаккири, ёзувчиси, фольклоршуноси, эшшуноси, педагог Ибрай Олтинсарин (1841—1889)нинг 155 йиллиги.

21 — Узбекистонда ўзбек тилига Давлат тили мақоми (1989) берилган куни.

22 — Венгер бастакори, дирижёр, пианиночи, жамоат арбоби Ференц Лист (1811—1886)нинг 185 йиллиги.

24 — Халқаро БМТ куни.

25 — Хотин-қизларнинг Халқаро тинчлик учун курашиши куни.

— Француз рассоми Пабло Пикассо (Руис-и-Пикассо) (1881—1973)нинг 115 йиллиги.

— Узбек ёзувчиси, шоири, таржимашунос олим, маданият арбоби, ношир Жуманиёз Шарипов (1911)нинг 85 йиллиги.

НОЯБРЬ

1 — Француз шоири Никола Безало-Депрео (1636-1711)нинг 360 йиллиги.

— Австрия ёзувчиси Герман Брох (1886)нинг 110 йиллиги.

4 — ЮНЕСКО ташкил топган кун.

7 — Театр ва кино актёри, Халқ артисти Наби Раҳимов (1911—1994)нинг 85 йиллиги.

8 — Театр актрисаси, жамоат арбоби, халқ артисти Сора Эшонтўраева (1911)нинг 85 йиллиги.

8(19) — Рус энциклопедик олими, физик, кимё асосчиларидан бири, шоир, рассом, тарихчи М. В. Ломоносов (1711-1765)нинг 285 йиллиги.

10 — Бутун жаҳон ёшлари куни.

— Театр ва кино актёри, Узбекистон халқ артисти Обид Жалилов (1896—1963)нинг 100 йиллиги.

11 — Рус адиби Ф. М. Достоевский (1821—1881)нинг 175 йиллиги.

17 — Халқаро талабалар куни (1946).

— Узбек файласуф олими, академик М. Хайруллаев (1931)нинг 65 йиллиги.

18 — Узбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасдиқланган кун (1991)нинг 5 йиллиги.

20 — Узбек ҳикоянавис ёзувчиси, шоира, драматург ва жамоат арбоби Ойдин (М. Собирова) (1906—1953)нинг 90 йиллиги.

28 — Австрия ёзувчиси, шоири, адабиётчиси Стефан Цвейг (1881—1942)нинг 115 йиллиги.

— Рус шоири, адабий танқидчиси Н. А. Некрасов (1821—1878)нинг 175 йиллиги.

ДЕКАБРЬ

3 — Халқаро ногиронлар куни.

8 — Мустақил Узбекистон Республикасининг Давлат Конституцияси қабул қилинган кун (1992).

10 — Узбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси тасдиқланган кун (1992).

— Инсон ҳақ-ҳуқуқларини бутун жаҳон ҳимоя қилиш куни. (1948)

12 — Француз ёзувчиси Гюстав Флобер (1821—1880)нинг 175 йиллиги.

18 — Урта Осиёнинг этнограф, фольклоршунос, археолог олими Абубакр Диваев (1856—1933)нинг 140 йиллиги.

19 — Рус денгизчи олими В. Беринг (1681—1741)нинг 255 йиллиги.

20 — Машҳур ўзбек киноактёри Раҳим Пирмуҳамедов (1896 — 1972)нинг 100 йиллиги.

21 — Узбекистон халқ шоири, драматург, таржимон, жамоат арбоби Рамз Бобожон (1921)нинг 75 йиллиги.

24 — Инглиз адиби Уильям Теккерей (1811—1863)нинг 185 йиллиги.

28 — Узбекистон халқ шоири, публицист, адабиётшунос, драматург, таржимон, ношир, жамоат арбоби Эркин Воҳидов (1936)нинг 60 йиллиги.

29 — Узбек педагог олими, академик, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, жамоат арбоби Эминжон Қодиров (1916—1976)нинг 80 йиллиги.

1996 ЙИЛДА

— Туркигўй адиб, олим ва мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб (1019) 21) нинг 975 йиллиги.

— Озарбайжон халқ шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавий (1141-1209) нинг 855 йиллиги.

— Эронлик тарихчи ва географ Ҳамиддуллоҳ ибн Абу Бакр Муставфий Қозвиний (1281-1350)нинг 715 йиллиги.

— Буюк грузин шоири ва мутафаккири Шота Руставели (1166) нинг 830 йиллиги.

— Испан рассоми Эль Греко (Д. Теотокопули) (1541-1614) нинг 455 йиллиги.

— Бухоролик тарихчи Муҳаммад Яъқуб Кенжа ибн Али Мирзо Бухорий (1771-1831) нинг 225 йиллиги.

— Буюк қозоқ халқ оқини, шоири Жамбул Жабаев (1846-1945) нинг 150 йиллиги.

— Машҳур рус этнографи ва сайёҳи, жамоат арбоби Н. Н. Миклухо— Маклай (1846-1888)нинг 150 йиллиги.

— Узбек шоири — Узбек маърифатпарвари, педагоги Саидрасул Саидазизов (1866-1933) нинг 130 йиллиги.

— Узбек шоири (Абдуллажон) Насимий (1866-1941) нинг 130 йиллиги.

—Қорақалпоқ халқ достончиси, таниқли жиров Қурбонбой бахши Тожибой ўғли (1876-1958) нинг 120 йиллиги.

— Туркия Республикаси асосчиси ва биринчи Президенти, саркарда Мустафо Камол Ота турк (1881-1938) нинг 115 йиллиги.

— Узбек драматурги, журналист ва танқидчи Зиё Саид (1901-1938)нинг 95 йиллиги.

— Тарихчи олим, Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Б.В. Лунин (1906) нинг 90 йиллиги.

— Тожикистон халқ шоири, ёзувчи, жамоат арбоби, академик Мирзо Турсунзода (1911) нинг 85 йиллиги.

- Қорақалпоғистонлик педагог Ҳужамберган Иемберганов (1916) нинг 80 йиллиги.

— Узбекистон халқ ёзувчиси, драматург, публицист, таржимон, ношир, мунаққид, жамоат арбоби Одил Ёқубов (1926) нинг 70 йиллиги.

— Буюк рассом, Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, педагог Рузи Чориев (1931) нинг 65 йиллиги.

— Узбек шоири, таржимон, ношир Раззоқ Абдурашид (1936) нинг 60 йиллиги.

1997 ЙИЛ

ЯНВАРЬ

I — Янги йил байрами.

5/17/ — Узбекистон халқ артисти, академик, бастакор, хонанда ва созанда (найчи, дуторчи), узбек халқ мусиқа меросини тўпловчи, мусиқа арбоби Юнус Ражабий (1897-1976) нинг 100 йиллиги.

— Қорақалпоқ шоири ва драматурги Ҳўжамурод Турумбетов (1922-1968) нинг 75 йиллиги.

12 — Рус олими, космонавтика ва ракета қурилиши соҳаси бўйича конструктор С. П. Королев (1907-1966) нинг 90 йиллиги.

14 — Ватан ҳимоячилари куни.

15 — Узбек болалар ёзувчиси, шоири, драматург, санъат арбоби, ношир, таржимон Шукур Саъдулла (1912-1972) нинг 85 йиллиги.

17 — Рус аэромеханик олими Н. Е. Жуковский(1847-1921) нинг 150 йиллиги.

20— Турк шоири, драматурги, публицист ва жамоат арбоби Нозим Ҳикмат (1902-1963) нинг 95 йиллиги.

25 — Археолог ва этнограф олим, Марказий Осиё ва Шарқ мамлакатлари тарихи, этнография ва археологияси бўйича мутахассис, акад. С. П. Толстов (1907-1976) нинг 90 йиллиги.

— Узбек шоири, ёзувчи, драматург, ношир Анвар Обиджон (1947) нинг 50 йиллиги.

— Узбекистон ҳарбий арбоби, генарал-майор Собир Раҳимов (1902-1945)нинг 95 йиллиги.

29 — Рус адаби, шоир А. С. Пушкин (1799-1837) вафотининг 160 йиллиги.

31 — Австрия композитори Ф. П. Шуберт (1797-1828)нинг 200 йиллиги.

ФЕВРАЛЬ

8 — Ёш антифашистлар куни.

9 — Буюк ўзбек шоири, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий (1441-1501) туғилган кун.

18 — Эстон шоири, халқ ёзувчиси, публицисти Юхан Смуул (1922-1971) нинг 75 йиллиги.

22 — Узбек шоири ва масалчиси Сами Абдуқаҳҳор (С. Абдуқаҳҳоров) (1922) нинг 75 йиллиги.

25 - Итальян драматурги Карло Гольдони (1707-1793) нинг 290 йиллиги.

29 — Итальян бастакори Жоаккино Россини (1792-1868) нинг 205 йиллиги.

МАРТ

2 — Узбекистон Республикаси (1992) БМТ аъзолигига қабул қилинганининг 5 йиллиги.

— Шарқшунос олим, тарих фанлари доктори, проф. А. Я. Соколов (1922) нинг 75 йиллиги.

4 — Рус адиби Н. В. Гоголь (1809-1852) вафотининг 145 йиллиги.

8 — Халқаро хотин-қизлар куни.

— Қорақалпоқ шоири ва ёзувчиси Г. Ж. Сейтназаров (1927) нинг 70 йиллиги.

12 — Узбек бастакори, дирижёр ва жамоат арбоби, Узбекистон халқ артисти Толибжон Содиқов (1907-1957) нинг 90 йиллиги.

13 - Қалмоқ халқ шоири Д. Н. Қутултинов (1922) нинг 75 йиллиги.

16— Немис физик-олими Г. С. Ом (1787-1857) нинг 210 йиллиги.

21 — Навруз байрами.

22 — Узбек педагог олими А. А. Бобохонов (1922) нинг 75 йиллиги.

23 — Француз адиби Стендаль (Анри Бейль) (1783-1842) вафотининг 155 йиллиги.

26 — Немис бастакори Людвиг ван Бетховен (1770-1827)нинг 170 йиллиги.

27 — Халқаро театр куни.

28 — Чех гуманист-педагоги, жамоат арбоби Я. А. Коменский (1592-1670) нинг 405 йиллиги.

АПРЕЛЬ

1 — Кулги ва ҳазил-мутойиба куни.

2 — Халқаро болалар китоби куни.

3 — Немис бастакори И. Брамс (1833-1897) вафотининг 100 йиллиги.

7 — Бутун жаҳон саломатлиги куни.

— Француз мутафаккири Франсуа Маэри Шаль Фурье (1772-1837) нинг 225 йиллиги.

9 — Соҳибқирон ва буюк сарқарда Амир Темур туғилган кун (1336-1405).

12 — Бутун жаҳон авиацияси ва космонавтикаси куни.

15 — Уйғониш даври итальян рассоми ва олими Леонардо Да Винчи (1452-1519) нинг 545 йиллиги.

21 — Фан ходимлари куни.

22 — Ўзбек ҳужжатли кино операторлари ва режиссёри, жамоат арбоби Малик Қаюмов (1912) нинг 85 йиллиги.

23 — Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни.

24 — Ёшларнинг халқаро бирдамлиги куни (1957).

27 — Халқаро биродарлашган шаҳарлар куни.

МАЙ

9 — Ғалаба байрами.

10 — Узбек театри ташкилотчиларидан бири, шоир, драматург, режиссёр таржимон, санъат арбоби Хуршид (Ш. Шарафиддинов)нинг (1892-1960) 105 йиллиги.

13 — Узбекистонлик космонавт-учувчи, рассом В. А. Жонибеков (1942)нинг 55 йиллиги.

15 — Халқаро оила куни.

— Узбек бастакори Ҳамид Раҳимов (1927) нинг 70 йиллиги.

18 — Халқаро музейлар куни (1977).

19 — Узбек кинорежиссёри, Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Али Ҳамроев (1937) нинг 60 йиллиги.

21 — Узбекистон халқ ҳофизи, ашулачи, созанда, жамоат арбоби Ориф Ҳожи Алимаҳсумовнинг (1927) нинг 70 йиллиги.

25 — Узбек кинодраматурги ва жамоат арбоби Собир Муҳаммедов (1912) нинг 85 йиллиги.

ИЮНЬ

1 — Болаларни халқаро ҳимоя қилиш куни.

5 — Бутун жаҳон атроф муҳитни ҳимоя қилиш куни (1972).

25 — Белорус халқ шоири ва драматурги Янка Купала (И. Д. Луцевич) (1882-1942) нинг 115 йиллиги.

28 — Француз ёзувчиси, маърифатпарвари Жан Жак Руссо (1712-1778) нинг 285 йиллиги.

ИЮЛЬ

4 — Италия қаҳрамони Джузеппе Гарибальди (1807-1882) нинг 190 йиллиги.

12 — Озарбайжон шоири- демократи Мирза Фатали Охундов (1812-1878) нинг 185 йиллиги.

20 — Узбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон халқ артисти, бастакор, ашулачи Комилжон Отаниёзов (1917-1975) нинг 80 йиллиги.

22 — Немис олими, физик Густав Герц (1887-1975) нинг 110 йиллиги.

25 — Бастакор Манас Левиев (1912) нинг 85 йиллиги.

29 — Рус рассоми-маринисти П. К. Айвазовский (1817-1900) нинг 180 йиллиги.

АВГУСТ

9 — Доғистон халқ шоири Ҳамзат Цадасса (1877-1951) нинг 120 йиллиги.

10 — Бразилия ёзувчиси Жорж Амаду (1912) нинг 85 йиллиги.

14 — Инглиз ёзувчиси Джон Голсуорси (1867-1933) нинг 130 йиллиги.

19 - Француз физиги, математик ва файласуф Блез Паскаль (1623-1662) нинг 335 йиллиги.

20 — Поляк ёзувчиси Болеслав Прус таваллудининг (1847 -1912) 150 йиллиги.

1997 ЙИЛДА

— Ёзувчи, давлат ва жамоат арбоби Ш. Р. Рашидов (1917-1983) туғилган кунига 80 йил тулади.

— Қадимий Бухоро, Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги.

— Урта осиёлик буюк шоир, олим Жалолиддин Румий (1207-1273) нинг 790 йиллиги.

— Урта аср олими Маҳмуд ашШерозий (1236) 37-1310) нинг 760 йиллиги.

— Узбек шоири ва мутафаккири Паҳлавон Маҳмуд (1247-1326) нинг 750 йиллиги.

— Араб тарихчиси ва мутафаккири Абдураҳмон Абу Зайд Ибн Халдун (1332-1405)нинг 665 йиллиги.

— Машҳур хаттот Султонали Машҳадий (1437-1520) нинг 560 йиллиги.

— Арман шоири Саят Нова (1712 — 1795) нинг 285 йиллиги.

— Маърифатпарвар шоира ва давлат арбоби Нодира (Моҳларойим) (1792-1842) нинг 205 йиллиги.

Рус математиги, ноевклид геометрияни яратган олим Н. И. Лобачевский (1792-1856) нинг 205 йиллиги.

—Туркман халқ шоири, мусиқачи Мискин Қилич (Мулла Қилич) (1847-1906) нинг 150 йиллиги.

— Узбек ҳотифи (хаттоти) шоир, таржимон Алмоний (Фазлуллоҳ Миржалол ўғли) (1852-1891) нинг 145 йиллиги.

— Узбек шоири, тилшунос олими, маърифатпарвар инсон матбаачи Ибрат (Исҳоқхон Журнайуллохўжа ўғли) (1862-1937) нинг 135 йиллиги.

- Узбек халқ шоири, бахши Фозил Йўлдош ўғли (1872 -1955) нинг 125 йиллиги.

— Узбекистон ҳофизи Ҳамроқулқори Турақулов (1872 - 1943) нинг 125 йиллиги.

— Форс-тожик шоири А. А. Лохутий (1887-1957) нинг 110 йиллиги.

— Узбек шоири, ёзувчиси, драматурги, адабиётшунос, санъатшунос, таржимон Чўлпон (Абдулҳамид Сулаймон ўғли (1893 -1937) нинг 100 йиллиги.

— Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, мойбуёқчи рассом, график Усто Мумин (А. В. Николаев) (1897-1857) нинг 100 йиллиги.

— Болалар шоири ва драматург Зафар Диёр (1912-1946) нинг 95 йиллиги.

— Узбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, тарихнавис, ёзувчи, шоир, таржимон Миркарим Осим (1907-1984) нинг 90 йиллиги.

— Узбек журналисти, ёзувчи, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳабиб Нўъмонов (1912-1975) нинг 85 йиллиги.

— Қорақалпоқ болалар шоири Холмурот Сапаров (1932) нинг 65 йиллиги.

Тузувчилар:
М. ИСМОИЛОВА,
Б. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Республика илмий педагогик кутубхонаси ходимлари.

Иқтисод сабоқлари

БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЎЗГАРИШИ ВА ТАКОМИЛЛАШИБ БОРИШИ

Бозор иқтисодиётининг тўлақонли фаолият кўрсатиши кўп томондан бозор механизмининг ишлашига боғлиқ. Бошқарув эса бозор механизмининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобанади. У ута мураккаб жараён бўлиб, умумий халқ хўжалиги, регионал, тармоқ ва конкрет ишлаб чиқариш (корхона ёки фирма)ни бошқариш бўғинларини ўз ичига олади.

Бошқарув илми билан жаҳоннинг энг кўп олимлари шуғулланган. Улардан бири америкалик инженер ва изланувчи Ф. Тэйлордир. У бошқаришни худди «аниқ билиш, нима қилиниши керак ва буни қандай қилиб пухта ва арзон усулда бажариш санъати» деб баҳолаган. Ф. Тэйлор бошқариш функциясини тўрт гуруҳга ажратади:

—мақсадни танлаш;
— восита (средств)ни танлаш;
—воситани тайёрлаш;
— натижани назорат қилиш.

Ҳозирги кунда эса асосий диққат бошқарувнинг энг муҳим бўғини бўлган корхона (фирма)даги ишлаб чиқаришни бошқаришга ва ташкил этишга қаратилган. Хўш, ишлаб чиқаришни бошқариш дегани нима? Ишлаб чиқаришни бошқариш бу объектив қонунларга мувофиқ ижтимоий меҳнат жараёнига таъсир этишни яхшилаш ва маълум бир мақсадга йўналтиришнинг конкрет тарихий усулидир. Ишлаб чиқаришни бошқарувнинг вужудга келиши ва вазифаларининг ривожланиши ижтимоий ишлаб чиқариш тизимидаги меҳнат тақсимоти ва меҳнат кооперацияси натижасидир.

Бошқарувнинг чегаралари, унинг мазмуни, мақсадлари ва тамойиллари ҳукмрон иқтисодий муносабатларга ва ижтимоий-сиёсий тузумнинг характерига боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ибтидоий жамоа, қулдорлик, феодализм, капитализм, социализм ва кўпгина мамлакатлардаги ҳозирги замон бошқарув жараёнлари бир-биридан фарқ қилади.

Ибтидоий жамоа тузуми босқичида ҳамкорликдаги меҳнатни тартибга солиш ва ташкил этишнинг ибтидоий шакли вужудга келади. Бунда бошқарув вазифалари уруғ, қабила ва жамоанинг барча катта ёшли аъзолари томонидан амалга оширилган. Уруғлар ва қабилаларнинг оқсоқоллари ва доҳийлари ҳамкорликдаги меҳнат ва маҳсулотларни тақсимлашнинг дастлабки бошқаруви тимсоли эдилар.

Синфий жамият вужудга келгандан кейин бошқарув икки томонлама характерга эга бўлади. Бир томондан, ҳамкорликдаги меҳнатни ташкил этиш вазифаси сақланган бўлса, иккинчи томондан эса бошқарув эксплуатация қуроли бўлиб қолади. Қулдорлик ва феодализм ишлаб чиқариш усуллари шароитида бошқарув асосан меҳнат жараёни устидан назорат қилиш ва жисмоний ёки маъмурий мажбурлашга қаратилган эди.

Капитализм даврида ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ривожланиши учта асосий босқичга бўлинади. Капитализмнинг қарор топиши даврида капиталистик мануфактура ва фабрикани мулкдорнинг ўзи бошқарган. Стихияли бозор механизми эса капиталистик ишлаб чиқаришнинг умумий регулятори бўлиб хизмат қилган. Йирик машиналашган ишлаб чиқариш босқичида бошқариш вазифаси капиталист-мулкдорлардан ажратилади, капиталистнинг вазифаси эса бошқариш устидан назорат ўрнатишдан иборат бўлади. Давлат — монополистик капитализм даври ишлаб чиқаришининг профессионал ташкилотлари — менежерлар институтининг ташкил этилиши, бошқариш жараёнига ҳозирги замон техника воситаларининг жорий этилиши, капиталистик иқтисодиётга давлатнинг аралашуви билан характерланади. Капиталистик ишлаб чиқаришни илмий бошқариш элементлари йирик машинали ишлаб чиқариш ва давлат-монополистик капитализми даврида вужудга келади ва ривожланади.

Ривожланган капиталистик мамлакатларда (АҚШ, Япония, Англия, Франция, Германия ва бошқаларда) бошқарувда электрон-ҳисоблаш техникаларини қўллаш, айрим фирмалар, компаниялар ва конгломератлар бошқарув таркибий тузилмасини такомиллаштириш, энг янги ташкилий-техникавий усулларидан фойдаланиш (режалаштириш-лойиҳалаштириш — бюджетни ишлаш тизими, операциялар, тадқиқот, тизимли таҳлил кабилар) бўйича катта тажриба тўпланган.

Иқтисодиётни марказдан туриб бошқариш фақат собиқ иттифоқда бўлиб, ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулк ва бевосита ижтимоий меҳнат унинг вужудга келишининг объектив асослари ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтиш, иқтисодий муносабатларни янгилаш институционал (муассасалар соҳасидаги) ўзгаришларни амалга оширишни, бошқаришнинг тегишли таркибий тузилмасини яратишни талаб қилмоқда. Шу сабабли иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида бошқарув тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор берилди.

Ҳозир бошқарувни ислоҳ қилиш умуман ва старли даражада муваффақиятли амалга оширилди, деб айтиш учун асос бор. Чунки, биринчи босқичда тоталитар тузумдан демократик тузумга, марказлаштирилган тартибдаги қайта тақсимлаш механизмидан бозор механизмига, қаттиқ маҳкамачилик ва маъмурий-буйруқбозликдан иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш чоралари асосида ўзини ўзи бошқаришга ва ўзини ўзи идора этишга ўтиш қийин, баъзан машаққатли бўлди. Бу босқичда бошқаришнинг аслида янги тизими вудужга келтирилди.

Ўзбекистонда бу соҳада тегишли тажриба йўқ эди ва ҳатто бирон-бир ўхшаш ишлар ҳам бўлган эмас. Бозор муносабатлари таркиб топиб бўлган ва бу йўналишда эндигина дастлабки қадамларни ташлаётган мамлакатлардаги бошқарувни ташкил этишнинг турли тизимлари ўрганилди. Шу асосда бутун халқ хўжалигини, тармоқлар ва ҳудудларни бошқаришнинг энг мақбул ва ҳозирги шароитларга мос бўлган ўз тузилмалари ишлаб чиқилди.

Танланган ёндашувлар кўп жиҳатдан тажриба, изланиш тарзидаги ёндашувлар эди. Бу тажрибалар дадил амалга оширилди. Уларга ўзини обрусизлантириб қўйган маъмурий — буйруқбозлик тизими тузоғидан қутъиян халос бўлишнинг, жадал ўзгариб бораётган иқтисодий шароитларга мос бўлган янги муассасалар тизимини тезлик билан жорий этишнинг бирдан-бир йўли деб қаралди.

Муассасалар соҳасидаги (институционал) ўзгаришлар жараёнидаёқ бошқарув механизмлари такомиллаштириб борилди, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини бошқариш борасида уларнинг хусусиятларига анча мос келадиган, хўжалик юритувчи субъектларга иқтисодий эркинлик беришга ёрдамлашадиган, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантирадиган ташкилий-ҳуқуқий шакллар вужудга келди.

Ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тизимида бошқаришни изчил, босқичма-босқич ташкил этиш модели қабул қилинди. Бошқарув тизимини ислоҳ қилиш жараёни бир қанча босқичлардан ўтиб тараққий қилди ва ҳозир ҳам такомиллаштирилмоқда.

Бошқарув соҳасидаги ислоҳотлар натижасида кўплаб бошқарув бўғинларининг вазифаси ўзгарди, янги органлар тузилди. Маъмурий - буйруқбозлик тизимининг қолдиқлари, назорат қилувчи тизим ва унинг ижроия органлари тугатилди. Олдинги тақсимот ишлари ҳамда уларни амалга оширувчи механизмларга барҳам берилди.

Жумладан маъмурий-буйруқбозлик, тўрачилик тизимининг ўзагини ташкил этган, марказдан туриб режалаштириш тизими мустаҳкамлиги ва бузилмаслигининг ифодаси бўлган Давлат режа қўмитаси, Давлат таъминот қўмитаси, Давлат нархлар қўмитаси, Давлат агросаноат қўмитаси ва бир қатор вазирликлари ҳамда жуда катта маъмурий аппаратлар тугатилди. Уларнинг ўрнига янги бошқариш бўғинлари тузилди. Булар бозорга асосланган янги иқтисодий муносабатларнинг ташаббускорлари ва уларни рўёбга чиқарувчилар бўлмоғи керак. Масалан, ўзини оқламаган Давлат режа қўмитаси ўрнига Давлат истиқболни белгилаш ва статистика қўмитаси тузилди. Бу қўмита зиммасига иқтисодиётни ислоҳ қилиш қоидалари ва уставворликлар, уларни амалга ошириш механизмлари асосида иқтисодий ислоҳотларнинг боришига баҳо бериш ҳамда уларни янада чуқурлаштиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш; баланс ҳисобкитоблари асосида макроиқтисодий нисбатларни, тармоқлар ва ҳудудлардаги таркибий ўзгаришлар тамойилларини таҳлил қилиш; республикани, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларини, шунингдек, минтақаларни Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг кўп вариантли истиқболларини белгилаш вазифалари юклатилди.

Якка ҳоким бўлиб олган тақсимот идораси — Давлат таъминот қўмитаси ва унинг вориси бўлган «Ўзшартномасавдо» ўрнига янги бозор структураси — Республика улгуржи ва биржа савдо акциядорлик уюшмаси тузилди. Бу уюшма товар ишлаб чиқаручилар, истеъмолчилар ва тадбиркорлар товар ресурслари бозорида эркин ҳамда тенг ҳуқуқли иштирок этиши учун зарур инфраструктурани (бозор хизмати соҳасини) яратиши керак. Унинг таркибига республика акциядорлик товар — хом ашё биржаси, акциядорлик биржа банки, ҳудудий акциядорлик тижоратчи — воситачи компаниялар киритилди. Булар мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахсларга контракт-шартнома асосида тижорат-воситачилик, савдо, маркетинг ва бошқа хизматлар кўрсатиши, уларга биржа савдосида қатнашиш учун тенг шароитлар яратиб бериши керак.

Нархларни эркинлаштириш шароитида Давлат нарх қўмитаси батамом тугатилди. Молия вазирлиги таркибида эса нарх-навони белгилашда яккаҳокимликни тугатиш ва яккаҳокимлик билан ўрнатилган юқори нархларни назорат қилиш бўйича махсус бошқарма тузилди. Унинг асосий вазифаси яккаҳоким тузилмалар вужудга келишига йўл қўймасликдан, республикада рақобатчилик муҳити шаклланишига ёрдам беришдан иборатдир.

Кейинги йилларда Республика Молия вазирлиги ва Марказий банкининг вазифалари ҳамда таркибий тузилиши анча ўзгартирилди. Молия вазирлиги зиммасига республика бюджетини вужудга келтириш билан бир қаторда, ҳозирги вақтда давлат солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва қоидаларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштирилган молиявий сиёсат олиб бориш ва валюта ишларини бошқариш вазифаси юклатилди.

Банк тизимини такомиллаштириш, банкларнинг мустақиллигини ва пул муомаласидаги аҳвол учун жавобгарликни ошириш, пул-кредит муносабатларини тартибга солиш мақсадида банк тизимини мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча қарорлар қабул қилинди. Республикада икки босқичдаги банк тизими амалда шакллана бошлади. Собиқ республика Давлат банки тугатилди. Марказий банк зиммасига федерал резерв тизимига хос бўлган вазифалар юклатилди. Давлат шу билан бир қаторда тижорат банкларининг ривожланишига ҳам ёрдам берди. Банк тизимининг қуйи бўғинлари мустақил иш олиб бориши учун янги тузилмалар ташкил этилди. Собиқ, тармоқ доирасида иш юритувчи давлат банклари тугатилди. Марказий банк зиммасига федерал резерв тизимига хос бўлган вазифалар юклатилди. Давлат шу билан бир қаторда тижорат банкларининг ривожланишига ҳам ёрдам берди. Банк тизимининг қуйи бўғинлари мустақил иш олиб бориши учун янги тузилмалар ташкил этилди. Собиқ, тармоқ доирасида иш юритувчи давлат банклари тугатилди. Агросаноат банки ва Саноат-қурилиш банки ихтисослаштирилган акциядорлик — тижорат банкларига айлантирилди. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки тузилди.

Ўзжамғармабанкка кредит— молия муассасаси мақоми ҳамда кредит ресурсларидан жисмоний ва юридик шахсларга қарз бериш учун фойдаланиш, шунингдек, кредит ресурсларини банклараро пул бозорида ким ошди савдоси орқали сотиш ҳуқуқи берилди. Банкнинг кичик корхоналар барпо этиш ва уларни ривожлантиришга, фуқароларнинг давлат мулкини хусусийлаштириб олишига, уй-жой бинолари қуриш, уларни таъмирлашга ва аҳолининг бошқа эҳтиёжларини қондиришга қарз бериш имконияти анча кенгайди.

Айни маҳалда янги тижорат ва хусусий банклар тармоғи ҳам вужудга келди. Улар мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиши, давлатга қарашли бўлмаган янги корхоналар ҳамда фермер хўжаликларига молиявий ёрдам бериши керак.

Ихтисослаштирилган акциядорлик — тижорат банклари — «Ғаллабанк», «Мевасабзавотбанк», «Тадбиркорбанк», «Савдогар» ва бошқа банклар тузилди. Бу банклар тадбиркорлик ишларига хизмат қилади, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, истеъмол бозорини энг зарур товарлар билан бойитиш манфаатларини кўзлаб инвестициялар учун маблағ беради.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида янги бозор муносабатларини фаол шакллантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини амалга ошириш, ташқи савдони эркинлаштириш ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш объектив суратда муассасаларнинг янги бўғинлари ташкил этишни, ортиқча назорат органлари ва маъмурий чеклашларни тугатишни тақозо этди.

Назорат органлари фаолиятини тартибга солиш, давлатнинг ягона солиқ ва божхона сиёсатини ўтказиш, Ўзбекистоннинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси тузилди. Давлат божхона қўмитаси қайта тузилиб, Божхона бош бошқармасига айлантирилди ва Давлат солиқ қўмитасига бўйсундирилди.

Давлат назорати тизимини янада такомиллаштириш, уни бозор муноабатлари талабларига мувофиқлаш, назорат органлари ишида бир-бирини такрорлашга барҳам бериш мақсадида Президент ҳузуридаги Давлат назорати қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари тугатилди. Президент девонида назорат инспекцияси ҳамда ҳокимиятлар девони таркибида тегишли назорат инспекциялари тузилди.

Иқтисодий ислоҳот ўтказишни жадаллаштириш ишларини мувофиқлаб туриш учун, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Президент ҳузурида иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича идораларо кенгаш тузилди. Буларнинг барчаси мустақил Ўзбекистонни келажакда энг ривожланган давлатлар қаторига олиб келади.

Нутфилло ХЎЖАЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

(Боши 1-бетда).

қишлоқ хўжалигига эга бўлиб, асосан суғориладиган деҳқончиликка ихтисослашган. Пахта етиштиришда жаҳондаги энг йирик ўлкалардан биридир.

Мустақил юртимиз ер ости конлари, қимматбаҳо ҳамда нодир металлар ва минералларга бойдир. Бугунги кунда 700 та кон тадқиқ қилинган бўлиб, уларда 95 хил минерал, хом ашёлар мавжудлиги аниқланди. Бугунги кунда республика олтин ишлаб чиқаришда дунёда саккизинчи ўринда туради.

Республикада қудратли энергетика базаси мавжуд. У 2 триллион кубометр газ, 2 миллион тонна кўмир, 350 миллион тонна нефть заҳираларига эга. Ўзбекистон электростанциялари йилига 50 миллиард киловатт соат электр қуввати ишлаб чиқаради.

Мамлакат йирик индустрия базасига эга бўлиб, у 200 дан ортиқ саноат тармоқларини ўз ичига олади. 2000 дан ортиқ завод ва фабрикалар тўрли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Темир йўлларининг узунлиги 6700 километр, автомобиль йўлларининг узунлиги 40 минг километрни ташкил этади.

Ўзбекистон Шарқдан денгиз йўлларига чиқиш учун Озарбайжон ва Грузия давлатлари билан шартномалар имзолади. Коммуникация қурилиш лойиҳаларини тузиш ишлари бошлаб юборилди. Туркманистон орқали Эрон, Покистон ва Туркияга поездлар қатнови йўлга қўйилди.

Ўзбекистон катта илмий ва маънавий потенциалга эгадир. Республикада 2 та фанлар академияси, 120 илмий тадқиқот институтлари фаннинг турли соҳаларида фаолият кўрсатмоқда. Республикада 59 та олий ва 246 та ўрта махсус ўқув юртларида 519175 нафар йигит-қиз таълим олмоқда.

Бизнинг Ватанимиз тарихига назар ташласак, бозор муносабатлари жуда қадим замонлардан бошланган. Қадимий Буюк ипак йўллари ўлкамиз ҳудудидан ўтиб Хитой ва Ғарбий Европа мамлакатларини бир-бири билан боғлаган.

Мустақилликка эришган мамлакатимиз бозор муносабатларига ўтишнинг миллий анъаналарига таяниб ўз йўлини танлаб олди. Бозор иқтисодиёти у хоҳ Японияда ёки Америкада, хоҳ Германияда бўлсин, барибир, умумий қонунлар бўйича ривожланиб, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган.

Ҳозир республикамизда 19300 тадан ортиқ фермер хўжаликлари ва 2.500 та чет эл қўшма корхоналари мавжуд. Умуман республикада бугунги кунда 83 500 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда хусусийлаштириш жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Ҳозир республикада 50 мингдан ортиқ корхона хусусийлаштирилди. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам жаҳон стандартлари талаблари асосида йўлга қўйилди. Экспорт ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини дунёдаги барча нуфузли давлатлар тан олдилар, уларнинг 130 таси билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Тошкентда 60 дан ортиқ мамлакатларнинг элчихоналари ишлаб турибди.

Бугунги Ўзбекистон 20 дан ортиқ халқаро ташкилотлар ва иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари ҳамда бир неча халқаро жаҳон банкларининг аъзосидир. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган жаҳон мамлакатлари билан ўзаро фойдали мустаҳкам муносабатлар ўрнатишга интилиш Ўзбекистон ташқи сиёсатида алоҳида ўрин тутади.

Мустақил Ўзбекистон — янгидан-янга имкониятлар мамлакати. Халқаро майдонда унинг обрўйи тобора ошиб бораётир. Тарихан қисқа муддат ичида Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш, халқаро ҳамкорлик бўйича ғоят улкан ишлар амалга оширилди. Натижада у миллий ва ижтимоий тараққиёт йўлига қатъий чиқиб олди, жаҳон ҳамжамиятида обрў ва ҳурматга сазовор бўлди.

Мустақиллигимизнинг маънавий имкониятлари дейилганда, биз маънавий меросимизга асосланган мустақиллик мафкурасини тушунамиз. Шунинг учун мустақиллигимиз пойдеворига асос солган мустақиллик учун толмас курашчилар хизмати беқиёсдир. Уларнинг кураш тарихини изчил ўрганиш бизга ўзлигимизни таниш учун имкон яратади. Ўзлигини таниган элнинг маънавий имкониятлари беқиёс бўлади. Ана шундай моддий ва маънавий имкониятлар Президентимиз ва халқимизга ўтиш даври машаққатларини мардонавор босиб ўтиш имконини берди.

Бугунги ислоҳотларда ўзбек моделининг икки белгиси мавжудлигини И. А. Каримов таъкидлайди:

1. Ислоҳотларни босқичма -босқич ўтиш ва амалга ошириш.

2. Халқ манфаатлари йўлида кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш.

Ўзбек моделининг самаралари қуйидагичадир:

а/асосий иқтисодий кўрсаткичларда ўсишга эришилди;

б/бозор инфраструктурасининг таркибий қисмлари сезиларли ўзгарди;

в/макроиқтисодий барқарорлик юз берди ва бўҳрон тўла бартараф этилди;

г/Ўзбекистон туб иқтисодий бурилиш ва кучли силжишлар бўсағасида турибди;

д/ижтимоий турмушда ижобий ўзгаришлар кучайди;

е/Ўзбекистон ўз мустақиллигининг беш йилида истеъмолчиликка эмас, сармояларни жой-жойини топиб сарфлашга урғу берди.

Ўзбек моделининг навбатдаги вазифалари белгиланди: кенгайиб, янгидан-янги ижтимоий сифат кўрсаткичлари касб этиши моҳиятан эътиборга молик воқеадир.

Муҳаммаджон ЎРМОНОВ,
тарих фанлари номзоди,
РТМ Тарих ва ижтимоий фанлар бўлими мудири муовини.

ДОСТОНЛАРДА БИТГАН ГУЛИСТОН



ДИЙДОРЛАШУВ

Юнусобод туманидаги 273-мактабни бундан 20 йил аввал битириб кетган синфдошлар ҳам мактаб қучоғида қайта дийдорлашдилар. Собиқ синфдошлар хонада қатор ўтириб, дарс тинглашди — ўқувчилик йилларини ёдга олишди... Дийдорга нима етсин.

А. МАМАДАМИНОВ,
сурати.

БОЛА БОШИДАН

ёхуд ўрик шохини синдиришганда йиғлаган бола (ҳозир устоз) ҳақида ҳикоя

Қуёш нурларидан руҳга бир шуъла етар. Кўнгил ҳаприқар. Сўнг шу шуъла келган йўлдан нурга талпинар. Бу талпинишни биз камолотга интилмоқ деймиз, юксакликка эришган кўнгилни камолга етди, деймиз. Камолга етмоқ осонмас. Бас, шундай экан, ўзгаларни камолга келтирмоқ бундан минг чандон машаққатлидир. Жумамурод ана шу мақсад билан яшайди. У дунёга келганда Собир ота ва Хонимжон опа нечоглик қувонганига қариндошлари гувоҳ. У урушдан кейин, осойишталик даврининг илк муждаларидаи дилларга сурур олиб келди.

Болакай ўзгалардан нимаси биландир фарқланиб турарди. Гоҳида дарахт ялпоқларига узоқ тикилиб ўтиради-да, онаси ёнига югуриб келади: «Опа, роса чиройли-а». Уртоқлари эндигина гул тугаётган ўрик дарахтининг шохини синдиришганида унинг йиғлаганини ҳануз эслашади... Эсини таниб, йиғитча бўлгач эса, ғазалликка ихлоси янада ошди. Мактабда ўқитувчиларига ҳар хил саволлар беравераР, айниқса, расм дарслари унинг жон-дили эди. Ҳар гал қандайдир картинага кўзи тушиб қолса, ундан маъно уққандай бўлар, кўнглида худди шундай, ундан ҳам ғузал асар яратиш истаги пайдо бўларди. Бу истак сабаб қўлига мўйқалам олди. Хаёлидаги «дунё»ларни қоғозга туширди. Шундай интилишлар билан ўқувчилик йилларини ортда қолдириб, 1964 йили Тошкент давлат педагогика институтининг чизмачилик ва расм куллиётига ўқишга кирди. Қайноқ талабалик даври кўз очиб, юмгунча ўтиб кетди.

— Ҳар гал Чингиз Аҳмаров, Урол Тансиқбоев, Малик Набиевлар суҳбатидан баҳраманд бўлганимда, ўзимча янги дунёлар кашф қилар, чинакам ғузаллик, фидойилик, кўнгил билан учлашар эдим, — дея хотирлайди бугун Жумамурод. — Маърузалар жону дилим эди. Ҳар гал янги мавзу назарияси билан танишганимдан сўнг, ўзимча шу назария асосида амалий иш қилишни яхши кўрардим. Дарслардан сўнг картиналар, ҳайкаллар яратиш тарихи билан қизиқиб китоблар ўқиб, рассомларнинг амалий фаолияти билан танишардим. Танишувларим маҳсули сифатида уларга ёзган тақризларим «Тошкент оқшоми» газетаси, «Гулистон» журналида босилиб чиқди. Шукур Холмирзаев, Уткир Ҳошимов каби бугунги ўзбек адабиётининг таниқли вакиллари билан дўст тутиндим.

Мана шу — ёшликдаги шижоат кейинчалик, қиплоққа қайтгач ҳам Жумамуроднн тарк этмади. Ҳар гал талабалик йилларини эслаганида, айниқса, Санъат институти фойесига Чингиз Аҳмаров, Баҳодир Жалолов каби етук рассомлар билан биргаликда нақшлар ишлаганини ёдга туширганида, бу шижоат янада жўш урар, бўш қолди дегунча қўлига мўйқалам олиб чизишга киришарди. Жумамурод ўз ҳунарини кимларгадир ўргатишни маъқул топди ва 1968 йилдан Амударё туманидаги Стрелков номли ўрта мактабда расм ва чизмачиликдан дарс бера бошлади.

— Жумамурод ака ҳеч қачон шунчаки дарс ўтган эмас, — дейди шогирди, рассом-муаллим Ҳайитбой Абдуллаев. — У киши, айниқса, бизни суратлар тили билан таништиришни яхши кўрарди. Дарсга буюк рассомлар чизган суратларни олиб келар, ҳар бири ҳақида атрофлича гапириб берарди. Бу шунчаки, гапириш эмас, суратни ҳис қилиш ва ҳис қилдириш эди. Синфдошларим, ҳаммамиз расм дарсларини ошиқиб кутар, ўзимиз яратган образларни ўқитувчимизга кўрсатиб, баҳо олишга интилардик.

Бунга ўхшаш дил сўзларини бугун Жумамуроднинг кўплаб шогирдлари тилидан эшитиш мумкин.

Ҳозир устоз тумандаги 27-ўрта мактаб жамоасига раҳбарлик қилаётир. Жамоа мактабдаги таъмирлаш ишларини барвақт тугаллади. Хуллас, мактаб раҳбари Жумамурод Собиров педагогик жамоага, ўғил-қизларни ҳам тарбиялаш, ҳам таълим бериш учун шарт-шароит яратиб беришга ҳаракат қилаётир.

Норбой ТЎРАБОЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, Амударё тумани.

Халқ таълими фахрийлари

НУРАЛИ ОТА ТАРБИЯСИНИНГ «МЕВА»ЛАРИ

Педагоглик касбларнинг энг мураккаби, бироқ унинг меваси умрбоқийдир, дейдилар донишмандлар. Ана шу машаққатли меҳнат бошида туриб, эртанинг етук кишисини тайёрлаб бераётган, бутун умрини шу йўлда сафарбар этган муаллимлар жумҳуриятимизда кўпчиликни ташкил этади. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Нурали ота Рузиназаров ҳам ҳаётини фарзандлар тарбиясига бағишлаган фидойи инсонлардан. Уни Паст Дарғом тумани маорифчилари ўзларининг тил-адабиёт илми бўйича ўз устозлари деб биладилар.

Нурали отанинг болалиги 20-йилларга тўғри келганлиги боис қийин кечди. Шундай бўлса-да, тиришиб ўқиб саводини чиқарди. Унинг меҳнат йўлига назар солинса, ўқитувчиликдан мактаб илмий бўлим мудири, директор ва таълим тизимининг турли поғоналарида утганлигининг гувоҳи бўласиз.

Бироқ у ўтган даврдан, умрининг энг ширин онлари чеккан машаққатларидан, ҳатто мактаб қурилиши пайтида оёғини синдириб, 2-гуруҳ ногирони бўлиб азоб чекканларидан, ўқувчиларни 1939-1945 йилларда — ўқув синф дарсликлари йўқ пайтларида қийналиб ўқитганлигидан нолимайди, чунки у фидойи муаллим. Ўша даврдаги машаққатлар туфайли майдонга чиққан шогирдлари фалсафа фанлари доктори Бекмурод Нормуродов, тиббиёт фанлари доктори Баҳром Турсунов, юридик фанлари доктори Шуҳрат Рузиназаров, юридик фанлари номзоди Акмал Турсунов, ўзлари ишлаган мактабнинг директори Тангриберди Ҳамидов, Иштихон туман прокурори Ҳайдар Исломов халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлашмоқда. Шогирдларининг муваффақиятида Нурали отанинг машаққатли меҳнатлари ва ибратли ҳиссалари ётади. Камтарин муаллим эса улар билан доимо фахрланади.

Нурали ота Рузиназаров шу кунларда 78 ёшини қаршилаётган бўлса-да, ҳамон муаллимлар сафида, ёшларга мураббий, кексаларга ҳамфикр, маслаҳатгўй.

Паст Дарғомдаги 45-ўрта мактаб директори Тангриберди Ҳамидов; мактабимизда 1043 та ўғил-қизга 100 га яқин тажрибали ишбилармон мураббийлар дарс беради,- дейди. Аммо Нурали ота синғари кўпни кўрган, мураббийлик сир-асрорларини яхши биладиган кишилар нафақат мактабимизда, балки бутун туманимизда камдан-кам учраса керак. Ўн етти йилдирки, у киши мактабимиз ёшларига таълим-тарбияга доир суҳбатлар ўтказиб турадилар. Неки ютуқни қўлга киритаётган бўлсак, бевосита у кишининг ўз ҳиссалари бор. Нурали ота бу йўлни танлаб кам бўлмади, ўтган меҳнат фаолияти давомида ҳукуматимизнинг бир неча фахрий ёрлиқлари ва раҳматномаларига сазовор бўлди.

Нурали ота оилада ҳам кўпчилик ҳавас қилса арзигулик оталардан. Олий маълумотли 14 фарзанд ва келинларга ота, 22 неварага бобо. Улар ҳам ота изидан бориб, жамият учун ҳалол меҳнат қилишмоқда.

Эшмирзо МАҲМУДОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

ЮТУҚЛАР СОЯСИДАГИ НУҚСОНЛАР

(Боши 1-бетда).

пахта ҳосилдорлигидан 0,6 центнерга ортиқ. Буғдой ҳосилдорлиги 40 центнерни ташкил этди. Бу — режадаги ўртача кўрсаткичга тенг. Макка силоси, беда пичанини жамғариш туман ҳосилдорлигидан 10 центнерга ортиқлиги маълум бўлди. Шунингдек, Риштон ҳунар лицейи, Сўх бизнес мактаби ўқув хўжаликларидан олинган ҳосил ҳам тумандаги ўртача ҳосилдорликка тенгдир.

Ўқув муассасаларида қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касблар бўйича ўқув режа ва дастурларига тўлиқ амал қилинмоқда. Бешариқ ҳунар лицейида 486 нафар, Бағдод ҳунар лицейида 143, Данғара ҳунар лицейида 142, Фурқат ҳунар лицейида 105, Риштон ҳунар лицейида 277, Сўх бизнес мактабида 181, 34-ҳунар билим юртида 130, 23-ҳунар билим юртида 266, 24-ҳунар билим юртида 176 нафар ўқувчи ёшлар турли касбларни эгаллашяпти. Уларда мутахассисликлар бўйича моддий-техникавий асос мустаҳкамланмоқда.

Ўқув муассасаларида хўжалик бўйича амалий ишлар билан бирга ўқув-тарбия жараёнининг ташкил этилиши, ўқув хўжалиги фаолиятида айрим камчиликлар борлиги ҳам аниқланди. Мисол учун, Данғара, Бағдод, Фурқат ҳунар лицейлари ва 23, 24, 34-ҳунар билим юртлари 1994-95 ўқув йилларида ўқув хўжаликларидан олинган ҳосилдорлик таҳлил қилинганда, бу — туманлар ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичидан паст эканлиги аниқланди.

Молия-саноат режаларининг таҳлилида ҳам баъзи бир нуқсонлар юзага чиқиб қолди. 1994-95 йилларда 34-ҳунар билим юрти ва Данғара ҳунар лицейи маъмурияти йиллик ишлаб чиқариш молия режаларини агросаноат уюшмалари томонидан тасдиқлатмаганлар. 23-ҳунар-техника билим юртида «Трактор ва автомобиллар тузилиши», «Қишлоқ хўжалиги машиналари» ўқув хоналарида масофадан ҳаракатлантириладиган, пульт билан ишлайдиган стендлар йўқ. Ўқув хоналарининг санитария ҳолати талаб даражасида эмас. Хонадаги макетлар чанг босиб кетган, плакатлар пала-партиш. «Трактор ва автомобиллар» ўқув лабораториясида ҳаммаси бўлиб 5 та звенога иш ўрни ташкил қилинган, бу ерда амалий машғулот ўтказиш учун етарли шароит ҳозирланмаган. Ўқув-тажриба хўжалигидаги ишларнинг агротехник харитаси ишлаб чиқилмаган. Ушбу ҳунар-техника билим юртларида молия-саноат режасида кўрсатилган экинлар экилмаган.

Бағдод ҳунар лицейи, 23, 24, 34-ҳунар билим юртларида услубиётчилар ва ўқув ишлаб чиқариш бўйича директор муовинларининг бепарволиги билан «Механизатор» касби бўйича «Механизациялаштирилган ишлар технологияси» фани ўқитувчиларининг йиллик истиқбол режалари йил фаслларига мослаштирилмай тузилган.

Ўқув муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликларидан фойдаланиш Фарғона туманидаги 23, 24-ҳунар билим юртларида ва Бағдод ҳунар лицейида суст олиб борилмоқда. Ўқув хўжаликларининг иқтисодий самарадорлиги ҳам етарли даражада эмас. Бу эса, молия-саноат режасини тузишда ўқув хўжаликларининг айрим экиладиган ерларини ҳисобга олинмаслигига сабаб бўлмоқда.

Хуллас, ютуқлар соясида қолиб кетаётган нуқсон ва камчиликлар ҳам оз эмас. Ҳолбуки, асосбузар далиллар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Аммо, мазкур таҳлил натижалари ўқув хўжаликларининг айрим экиладиган ерларини ҳисобга олинмаслигига сабаб бўлмоқда.

Хуллас, ютуқлар соясида қолиб кетаётган нуқсон ва камчиликлар ҳам оз эмас. Ҳолбуки, асосбузар далиллар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Аммо, мазкур таҳлил натижалари ўқув муассасаларининг педагогик кенгашларида ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Энди мана шундай текширишларни тез-тез ўтказиб туриш керакка ўхшайди. Ана шунда, эҳтимол, камчилик ва нуқсонлар рўйхати озайиб, тажриба ва ютуқлар қатори кенгаяр...

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

БОЛАЛАР СЕВГАН ОРОМГОҲ

Урикзор даҳаси Тошкентнинг энг чекка даҳаларидан бири ҳисобланади. Шу даҳада болаларнинг «Гулбаҳор» номли оромгоҳи жойлашган. Оромгоҳга кириб борар экансиз, ёқимли салқин шабада өсиб дилингизни хушнуд қилади. Сершовқин, иссиқ кўчадан кириб келган киши бу оромгоҳдаги салқинликни сезиб, тани яйрайди. Оромгоҳ йўлаклари озода, саранжом-саришта. Киришингиз билан бу оромгоҳда болаларнинг кунгилли дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилганлигига гувоҳ бўласиз.

Бу оромгоҳ фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли. Оромгоҳда 240 дан зиёд бола мароқли дам олмоқда.

Гулбаҳор оромгоҳидаги барча тадбирлар ўзбек тилида ўтказилади.

Тарбиячи ва етакчилар тадбирларни ўтказишда миллий ва шарқона урф-одатларни болалар онгига сингдиришга, маънавий баркамол ҳамда соғлом авлодни тарбиялашга сидқидилдан ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳар куни эрталаб ва кечқурун турли тадбирлар ўтказилади. «Оилада болалар меҳнати», «Узбекистон — Ватаним маним», «Саранжом-саришта бўлинг», «Меҳмонга борганда болалар одоби» каби мавзулардаги суҳбатлар, айниқса болажонларга жуда ёқади.

Оромгоҳда мусиқа раҳбари Дилфуза Хайруллаеванинг алоҳида ўрни бор. Бу ерда ўтказилаётган мусиқий тадбирларда Дилфузахоннинг хизматлари катта. Шифокор Ҳайдар ака Исаев эса куну тун болалар саломатлиги учун қайғурадилар.

Хуллас, бу оромгоҳ келажагимиз бўлган авлоднинг бир умр ёдидан чиқмайдиган маскан бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Саломат ИМИНОВА,
109-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси.

Олтин ёз — ўтмоқда соз!

«БАҲОР» ДАГИ ЁЗ ГАШТИ

Марҳамат тумани Қорақўрғон қишлоқ кенгаши ҳудудидаги «Баҳор» соғломлаштириш оромгоҳи ўқувчилар билан гавжум. Мазкур оромгоҳ ҳақида кўпгина илиқ гаплар эшитгандим. Лекин юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал деганларидек, шу маскан томон йўл олдим.

Катта мевазор боғнинг қоқ ўртасида жойлашган бирибиридан чиройли бинолар яқинлашганингиз сари дарахтлар орасидан бирин-кетин кўзга яққол ташланади. Оромгоҳ дарвозаси ёнида турган навбатчи ўқувчи рухсати билан боғ оралаб борар эканман, асфальт йўлнинг икки четидаги таълим-тарбияга чорловчи, мустақиллигимизни тараннум этгувчи маз-мундор мақол ва шиорлар эътиборни ўзига тортади. Мени истараси иссиқ тарбиячи қиз Наимахон Исманова илиқ кутиб олгач, оромгоҳ бошлиғи Жўрабек Парпиев билан таништирди. Бу билан маскан атрофларини, ўқувчилар дам олаётган хоналарни бирма-бир кўздан кечириб, ўғил-қизларнинг яйраб дам олиши ҳамда соғлом тарбияланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилганлигининг гувоҳи бўлдим.

— Бу йилги мавсумда уч сменада 1230 бола мазмунли дам олади. Болаларнинг ҳар сменада 21 кундан дам олиши учун (410 нафар ўқувчиларга) туман деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмалари ҳисобидан (жамоа хўжаликлари ва ширкатлар уюшмаларидан) ҳар бир йўлланма учун 2987 сўмдан, жами 1 миллион 223 минг 670 сўм пул ўтказилди. Туман ҳокимининг мафкуравий ишлар бўйича муовини Абдухолиқ Турсуновнинг жонкуярлиги, гамхўрлиги туфайли оромгоҳимиздаги шарт-шароитлар, айниқса, озиқ-овқатга оид муаммолар ўз ечимини топаётир, — дейди оромгоҳ бошлиғи Ж. Парпиев.

Вилоят касаба уюшмаси ташаббуси билан вилоят соғлиқни сақлаш бўлими, вилоят спорт-соғломлаштириш бошқармаси, вилоят «Камолот» жамғармаси, вилоят «Соғлом авлод учун» жамғармаларидан вакиллар келиб, оромгоҳда дам олаётган ўқувчиларга дори-дармон, кийим-бош, футбол, волейбол тўплари, оромгоҳ кутубхонаси учун юзга яқин қимматбаҳо китоблар совға қилишди.

«Баҳор» оромгоҳида ором олаётган келажагимиз бунёдкорлари ёзги таътилдан беҳад мамнундирлар.

Абдурасул ЭРАЛИЕВ.

Хуллас...

РАК ВА ХАЁЛПАРАСТ ЖАРРОҲ

Қозоғистоннинг Толдиқўрғон шаҳрида яшовчи бир аёл бундан бир неча йил илгари енгилгина операция бўлган эди. Шундан буён соғлигидан шикоят қилмасди. Яқиндан бошлаб унинг қорнида қаттиқ оғриқ пайдо бўлди. Касалхонада аёлга дарҳол ташхис қўйишди: ўпка шиши.

Сўнг аёлнинг касалхоналар бўйлаб «саёҳати» бошланди. Униси бу, деди. Буниси у, деди. Охирги беморхона сўнги сўзини айтди: Рак. Чиқмаган жондан умид, деганларидек, шўрлик аёл уни операция қилишларини илтимос қилди. Дўхтирлар рози бўлишди. Кейинги воқеалар эса ҳаммани ҳайратга солди. Аёлнинг ошқозонидан рак топишолмади, ўрнига 24 см.ли латта чиқди. Буни аёлнинг биринчи операция бўлишида хаёлпараст хирург эсидан чиқариб қолдирган экан.

БЕРМУД УЧБУРЧАГИНИНГ ҚАРИНДОШИ

Жамбул — Тошкент автотрассасининг 433 километри машҳур Бермуд учбурчагига қариндош бўлиб чиқди. Чунки бу нуқта кейинги пайтда сирли ҳодисалар маконига айланиб қолди. Мурот Сиздиков номли шахснинг машинаси яқинда шу ерда ҳалокатга учради. Орадан бирор соат ўтмай яна бир машина айнан шу ерда ағдарилиб кетди. Бундай ҳодисалар сон-саноқсиз. Шу ерлик аҳолининг айтишича, бу йўлда илоҳий бир куч мавжуд. Яна бошқаларнинг гапига қараганда йўл ёқасида жойлашган қабрнинг таъсир кучи ҳалокатларнинг асосий сабаби бўлмоқда.

ҚОПОҒОН ТЮЛЕНЛАР

Ҳазар (Каспий) денгизида тюленлар (сув мушуги ҳам дейишади) умргузаронлик қилади. Беозор жонивор. Лекин кейинги пайтларда буларга ҳам кўз тегди. Улар одамларга ташланадиган бўлиб қолишди. Ҳатто, бир кунда 60 кишига зиён етган ҳолатлар бўлди. Заҳмат етганлар ичида болалар ҳам бор.

Олимларнинг фикрича, экологик муҳитнинг бузилиши тюленларнинг ушмундоқ қутуришига олиб келмоқда.

200 ДОЛЛАРЛИК ТАМАКИ

Рим касалхоналарининг қарийбки барчасида «Чекиш соғлигингизга зарар» деган ёзув бор. Лекин шунга қарамай, кўп тамакикаш беморлар ўз билганларидан қолишмай, бемалол тутунни бурқситиб ётишибди.

Яқинда шаҳарда махсус комиссия тузилиб, касалхоналар назоратдан ўтказилиб, юқоридаги шиорга амал қилмаган беморларга жарима солинди, 200 доллардан.

ана шунақа гаплар.

Хотира

АСРАҚУЛ АКАНИНГ УМР БАЁНИ

Автобиография сўзини биз ҳамиша «Таржимаи ҳол» деб ўгирамиз. Шунга ўрганганмиз. Аслида «Умр баёни» бўлиши керак. Шундай чиройли атамамиз бор, мақсад-моҳиятни жуда аниқ ифода этади.

Асрақул аканинг умр баёнини ўқиган киши унда фавқулодда ҳайратланарли, кутилмаган ҳолатларга дуч келмайди. Оддий қишлоқ зиёлисининг ҳаёти. 1920 йили камбағал деҳқон оиласида туғилган. Қишлоқдаги бошланғич мактабда ўқиган, педагогика институти қошидаги ўқитувчилар курсини тугаллаб, уруш бошлангунга қадар ўзи туғилиб ўсган қишлоқда ўқитувчилик қилган.

Урушга борган, жангларни Ғарбий Украина фронтида бошлаган, Киевни озод қилишда яраланиб, қишлоққа қайтган.

У йиллари комфирқанинг амри вожиб эди, қаерга юборса, қандай иш буюрса — «хўб бўлади» дея кетилаверарди. Асрақул ака, гарчи педагог бўлишига қарамай, фирқа йўлланмалари билан хўжалик ишларига ҳам жалб этилган, ҳозирги Янгиқўрғон туманининг далаю боғлари, сою суқмоқлари, тоғу тошларини қадамба-қадам, қаричма-қарич кезиб чиққан. Колхозлар, совхозлар ташкил этишда, боғлар яратишда жонбозлик кўрсатган.

Асрақул ака билан етмишинчи йилларинг бошларида катта бир йиғинда танишиб қолганмиз. У кезлари камина ёшлар газетасининг серлаббай мухбирларидан эдим, «Дала шийпони — деҳқоннинг иккинчи уйи», «Қишлоқда яшайсанми — техникани эгалла», «Турсунойчилар — комсомолнинг фахри» каби долзарб рукнлар остида руҳи баланд мақолалар ёзар эдик. Айниқса, янги анъаналар, янгича тўйлар тўғрисида ёзиш одат эди. Уша йиллари Асрақул ака қишлоқ кенгашининг раиси экан, суҳбатимиз ўз-ўзидан ёшлар ҳаёти, тўй-ҳашамлардаги одатларимизга бориб тақалди. Бугун, орадан йигирма йилдан ортиқ вақт ўтгач, ўша суҳбатни эслаётганимнинг, табиийки, сабаби бор. Асрақул ака менинг янги анъаналар, урф-одатлар тўғрисидаги ҳаяжонли мулоҳазаларимни кўп эътибор билан тинглар экан, айни пайтда «Э, мухбиржон ука, ҳали ёшсизлар, жуда ёшсизлар, кўп нарсани билмайсизлар, урф-одат дегани сизлар ўйлаганингиздек, жўн нарса эмас, уни халқ ҳаётига мажбуран сингдириб бўлмайди», дегандек гап қилдилар. Тан олишим керакки, бундай кутилмаган мулоҳаза ўшанда менга бироз тегиб кетган эди. Нега энди тушунмас эканмиз? Партиянинг ўзи бу ишга бош-қош бўлиб турган бўлса? Эски удумлар, бидъатлар ўрнига янги, замонавий, интерационал одатлар пешма-пеш жорий этилаётган бўлса... Ҳар ҳолда мухбир эмасманми, Асрақул ака мени очиқчасига ранжитмаслик учун, мунозара руҳини анча силлиқлаб юбордилар:

— Ҳамма нарса ҳаётнинг ўзида бор, ука. Уларнинг ҳаммаси яшаб қолиш учун курашади, ҳаётга мослашади, узгаради, такомиллашади. Мен янгиликларга қарши эмасман, аксинча, янгилик тарафдориман. Ёшлар янгича яшашсин, ҳаётларида янги саҳифалар очишсин, биз чиқмаган чўққиларга чиқишсин, дейман. Аммо, биласизми, янгича яшашнинг энг катта шарти — тарихга, яқин ўтмишга муносабат билан белгиланади. Ҳа-ҳа, худди шундай. Демоқчиманки, ёшлар янгиликлар орқасидан қувиб отабололарига хос бўлган нодир анъаналар, тамойилларни унутиб қўймасинлар, улар эришган ютуқлардан бебаҳра қолмасинлар..

Айтиш керакки, ўша йиллари бунақа мулоҳазаларни ҳамма ҳам очиқчасига айта олмасди. Тўғриси, аввалига мен ҳам уларни тўла ҳазм қила олмадим. Лекин, йиллар ўтиб, Чотқол этакларидаги тоғли Нанай қишлоғида истиқомат қиладиган кекса педагог, ёшлар мураббийси, бутун умрини эл-юрт ишига бағишлаган Асрақул ака билан такрор-такрор учрашганимда, у кишининг бир қарашда анчайин ажабтовур туюладиган фикрларида жуда катта ҳаёт ҳақиқати борлигига амин бўла бошладим.

Нега энди бугун, Асрақул аканинг ўша, рандаланмаган мулоҳазаларини эслаяпман? Истиқлол бошида биз айни шу насиҳатларга жуда-жуда муҳтож эканлигимизни, собиқ мафкуранинг ғайриаҳлоқий тамойиллари маънавиятимиз асосларига нечоғли зарар етказганлигини ногаҳонда англаб етдик. Ўтмиш сабоқларисиз, аждодларимиздан қолган бебаҳо маънавий мероссиз мустақиллик йўлларида шаҳдам одимлай олмаслигимизга ишонч ҳосил қилдик. Юртбошимиз олға сурган тамойилларда бу нарса жуда равшан акс этди.

Асрақул ака, у кишига ўхшаш, тенгдош, касбдош қишлоқ зиёлилари умри биз учун шу боис ҳам азиздир. Биз бугун нечоғли муваффақиятларга эришмайлик, юксакликларга кўтарилмайлик, ўз вақтида бизга бевосита ёки билвосита устозлик қилган, таълим берган мураббийларимизни унутмаслигимиз, улар хотирасини ҳамиша дилимиз тўрида сақлашимиз жоиздир.

М. АҲМАДЖОНОВ.

Адаб

АҚЛ ЁШДА ЭМАС

Йўлакда велосипеднинг эски ғилдираги ётарди. Дастлаб шу ердан ўтаётган кексароқ киши унга эътиборини қаратди. Энгашиб ғилдиракни олди. Узоқ айлантириб кўрди. Чамаси, буни таъмирлаб, фойдаланса бўладими, йўқми, дея бош қотирди. Симларини тортиб кўрди, чертиб кўрди, кейин бош чайқади. Кўриниб турибдики, ғилдирак унинг ҳафсаласини пир қилди. Фойдаланишдан умид қилмаса ҳам бўлади. У ғилдиракни жойига қўйиб, йўлида давом этди.

Йўлакдан одамлар ўтиб турарди. Мана, 10 яшарлар бир бола ҳам, мактабдан қайтаётибди чоғи, ўтаётиб ғилдиракка қизиқсинди. У ер-бу ерини кўрган бўлди-ю, кўтариб олди. Йў-ўқ, уйига олиб кетмади, йўлакдан сал нарироқда ахлат уюми бор экан, ғилдиракни ўша ерга обориб ташлади.

Билдики, ғилдирак бутунлай яроқсиз экан.

УВОЛ

Йўлакда сочилиб ётган нон увоқларини бир киши эгилганича териб оларди. Хўп, нима бўпти, дерсиз. Ҳеч нарса... Бир киши йўлакка сочилган нон увоқларини эгилганича териб оларди, холос.

Йўқ! Нега энди «холос»! Мана шу йўлакдан тез-тез ўтиб турган кимсаларни ўша увоқларнинг уволи аллақачон уриб қўйганга ўхшарди—улар нонни КЎРМАСДИЛАР.

Нега яна «холос»!.. Йўлак четидаги қатор дарахтлар—имконсиз. Улар сочилган увоқларни териб ололмайди... Фақат, шу дарахтларга биргина имкон—гапириш имкони берилганида эди, айтардилар: «Бу увоқлар УЧ кундан бери сочилиб ётибди!»

Мана, ниҳоят... Бир киши йўлакка сочилиб ётган нон увоқларини эги-и-ли-иб териб олмоқда...

Хаёлимга ўтмишдан бир ҳикоя келди. Эмишки, бир одам далада нон еб кета туриб, тупроққа зиғирдек увоғини тушириб қўйибди. У ўша увоқни излай-излай кунни кеч қилибди. Лекин, топа олмабди. Шундан сўнг, ўша одам увоқ тушган жойни баланд деворлар билан ўраб қўйган экан...

Хўп, нима бўпти, дерсиз. Ҳеч нарса... Бир киши йўлакка сочилган нон увоқларини эгилибгина териб оларди, холос.

СИРЛИ ДУО

Автобус бекатига ўрнатилган ёғоч ўриндиққа бепарвогина келиб ўтирдим. Бекатда биргина йўловчи—кексароқ киши бор эди. У мени кузатиб турган экан, гап бошлаб қолди:

—Менга қара, ўғлим. Сен, ҳў, уста Искандарнинг боласи эмасмисан?

—Ҳа-а...

—Ўхшатдим-да. Отанг хушхулқ одам-ку, сен...

«Мен... Бирон ножўя ҳаракат қилиб қўйдиммикин?»—Савол назаримни ҳамроҳимга тиндим. Ҳар қалай, тушунди. Мени ҳам кўп ҳайратга солиб ўтирмасдан, айтиб қўя қолди:

—Салом бермадинг-ку?..

Э-э, эсим қурсин. Унутганимни қаранг. Ер ёрилмади, кириб кетмадим. Йўқ, у киши мендан салом таъма қилмади, одобга чақирди, холос. «Кўпчилик саломни унутиб қўйди», деди отахон оҳистагина.

Дарҳақиқат, тан олишимиз керак, саломни анчайин унутиб қўйдик. Ахир, эртакларда ҳам, салом берган баҳодирни ялмоғиз алдамайди, дев ямламайди—салом уни сирли дуодек асрайди...

Дарвоқе, ҳали ҳеч ким салом бериб ёмонлик кўргани йўқ.

И. ИСКАНДАР.

Дарсликларни варақлаганда

ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ ҚЎЛЛАНМА

Қўлимизга 8-синфлар учун 1993 йилда «Ўқитувчи» нашриёти 542 минг нусхада чоп этган А. Мамажонов, С. Тешабоев ва М. Нишоновларнинг «Анорганик кимё» дарслиги келиб етди. Бу ўзбекистонлик муаллифлар томонидан яратилган дастлабки дарсликдир.

Шу вақтгача ўзбекистонлик ўқувчилар Ю. Ходаков, Д. Эпштейн ва П. Гларизов каби россиялик, Г. Рудзитис ва Ф. Фельдман каби болтиқбўйилик муаллифлар томонидан яратилиб, ўзбекчалаштирилган дарсликлардан кимё бўйича саводини чиқардилар. Юқоридаги дарсликлар (айниқса, кейингиси) собиқ СССР Маориф вазирлиги тасдиқлаган дастур асосида яратилган бўлиб, уларда минтақавий кимё масалалари акс этмаганди. Дарсларда маҳаллий материаллардан фойдаланиш, Ўзбекистон кимё саноатининг маҳсулотлари ҳақида, маҳаллий кимёгар олимларнинг ишлари ҳақида гапириш, ватандош мутафаккирларнинг кимё фанига қўшган ҳиссалари ҳақида маълумот бериш ўқитувчининг билимига, дунёқарашига, маҳоратига боғлиқ эди. Янги дарслик муаллифлари бу камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилишган ва унинг уддасидан чиқишган.

Дарсликнинг 1-параграфидаёқ муаллифлар Қадимги Миср алкимёгарлари Жабр ибн Ҳайён, Ар Розийларнинг ишлари ҳақида, Урта Осиёлик буюк алломалар Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний-ларнинг ўз даврларида кимё фанига қўшган ҳиссалари ҳақида ёзганлар. Шу параграфда ўрта асрда ҳозирги Узбекистон ҳудудида амалий кимёни ривожланиши ва топилган конлар ҳақида эслатиб ўтганлар. Бундан ташқари «Табиатда озон қавати ва унинг аҳамияти» (28-), «Моляр концентрация» (45-), «Изобарлар ҳақида тушунча» (56-), «Металл боғланиш» (66-) каби янги мавзуларнинг киритилиши ҳам айни муддаодир. Хуллас, муаллифлар дарсликни янги тушунчалар ва мавзулар билан бойитишган.

Ҳамиша ҳам биринчи дарсликлар ёзилганда камчиликлар бўлади. Бу дарслик ҳам баъзи камчиликлардан холи эмас. Масалан, 66-параграф «Металл боғланиш» деб аталади, лекин унинг ичида металл боғланишга алоқаси бўлмаган «Водород боғланиш», «Донор-акцептор боғланиш»лар ҳақида маълумот берилган. Бу параграфнинг номини ўзгартириш керак. Ёки водород, донор-акцептор боғланишлар ҳақидаги материалларни «Ковалент боғланиш» мавзусига қўшиш керак...

Умуман, муаллифлар гуруҳи бошқа синфлар учун ҳам шундай дарсликлар яратсалар (балки танлов уюштириш керакдир!), жуда яхши иш бўларди. Янги дарсликлар муқовалари бу йилги 11-синф «Кимё» дарслигидек қалин муқовада чиқарилса, унинг умри анчага узаярди.

Ўсар ЙЎЛДОШЕВ,
Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги Ҳамид Олимжон номидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Мактабгача тарбия муассасаларида

ДИЛБАНДЛАР МАСКАНИДА

Болалар боғчаси - жажжиларнинг иккинчи уйи. Ўғил-қиз оилада топмаганини боғчада топади, улар таълим-тарбиянинг дастлабки куртакларини ана шу жойда ўрганади. Бу жиҳатдан Яккабоғ туманидаги Яккабоғ қўрғонида қад кўтарган икки қаватли «Ғунча» болалар боғчаси жамоасининг олиб бораётган ишлари кўпчиликка ибратлидир.

Боғчага киришингиз билан йўл атрофидаги чиройли гуллар, ишкомлар, турли хил мевали дарахтлар киши диққатини ўзига тортади. Маскандаги майдончага ўрнатилган арғимчоқ, карусел, айланма отларга миниб олишган жажжилар тарбиячилар етакчилигида ўйнаб ҳордиқ чиқаришмоқда. Ўз бағрига 100 нафар жажжини олган бу боғчада Ўғилой Исматова етакчилигида 15 дан ортиқ малакали мутахассис тарбиячи, тиббиёт ходими ва ошпазлар ишлашади.

Бош тарбиячи Саодат Шомуродова раҳбарлигида белгиланган режа асосида жисмоний тарбия, одобнома, расм, мусиқа, метематика, инглиз тили, лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосини ўрганиш машғулотлари кўргазмали қуроллар ёрдамида ўтказилмоқда. Боғча жамоаси биноларни, хоналарни ўзбек халқи миллий дидига, таълим-тарбия талабларига мос ҳолда безатишган.

Катта ёшдаги гуруҳ тарбиячилари Машҳура Жабборова, Марҳамат Шаминова, Мавлуда Ҳайитова, Фотима Файзиеваларнинг ташаббуси билан ҳар бир хонада миллий бурчаклар, авлод-аждодлар фаолиятидан ҳикоя қилувчи достонлардагидек мавзуларда чизилган бадиий безаклар — суратлар илинган. Шунингдек, «Паризод ва Бунёд», «Алпомиш», «Қунтуғмиш», «Учар гиламлар» достон ва ҳикоялар ҳамда эртакларни эслатувчи сеҳрли, манзаралари суратлар бурчакларидан жой олган.

Боғчадаги барча ишлар миллий боғча фаолиятига қаратилган. Машғулотлардан бўш вақтларда болалар билан ўзбек миллий ўйинларидан «Бештош», «Оқ теракми, кўк терак», «Арқон тортиш», «Тиллам-тиллам», «Тапиртупир, қайрағоч», «Чиллак ўйини», «Қушим боши» каби ўйинлар билан машғул бўлишмоқда. Боғча маъмурияти болаларга инглиз тилини ўргатиш машғулотини ҳам ташкил этди. Бу машғулотда катта гуруҳдаги 20 бола тортилди. Кичкинтойларни инглиз тили билимидан баҳраманд қилишда Наовоий номли мактаб-интернатнинг инглиз тили ўқитувчиси Холида Ҳидированинг саъй-ҳаракати беқиёс бўлди. Болалар инглиз тилида шеърлар ёдлашни, ролларга бўлиниб саҳна кўрсатувлари намойиш этишни, буюм-нарса номларини расмлар асосида ҳикоя қилишни пухта ўрганишяпти.

Тарбиячилар ва ота-оналарнинг саъй-ҳаракати билан боғчада яна бир хайрли иш қилинди. Алоҳида бир хона ажратилиб, 150 дан ортиқ китоб фондига эга бўлган кутубхона ташкил этилди. Жажжилар бу ерда кичик-кичик ҳажмдаги китобларни тарбиячилар етакчилигида ўқиб-ўрганишмоқда.

Қўғирчоқ театримиз ва «Бинафша» болалар ансамбли йил бошидан буён фаолият кўрсатмоқда, — дейди биз билан суҳбатда мусиқа ўқитувчиси Саида Қурбонова. — Саҳналаштирилган ўйинлар, қўғирчоқ ўйинлари болаларни эстетик дидини шакллантиришга ва ўстиришга имкон яратади. Бадиий тарбия жараёнида саҳналаштирилган ўйинларнинг таъсири ниҳоятда самарали бўлмоқда. Чунки эртакни саҳнага олиб чиқиш асосида ўйин ижрочилари болалар адабиётидан ташқари, тасвирий санъат турлари билан ҳам машғул бўладилар. Бунда болалар тулки, бўри, қуён ва бошқа ҳайвон ниқобларини, саҳна безаклари ва анжомларини ўз қўллари билан тайёрлайдилар. Зеро, бу уларга олам-олам қувонч бахш этади. Улар ўз фикрини кўпчилик олдида айтадиган бўлади, нутқлар ривожланади.

Болаларни одобли, хушмуомала, катталарнинг ҳурматини ўрнига қўядиган, меҳмоннавоз этиб тарбиялашда саҳна кўринишлари, «Бешик тўй», «Ўй тўй», «Туғилган кун», «Наврўз», «Меҳмон кутиш» каби болалар ўйинларининг роли ортиб бормоқда.

Бозор иқтисоди шароитида дўконларда ўйинчоқларнинг бўлмаганлиги сабабли тарбиячилар қийқим матолардан фабриканикидан қолишмайдиган ўйинчоқлар тикиб келишмоқда. Уларнинг ташаббуси билан бундай ўйинчоқлар сони 200 дан ортди.

Бош тарбиячилар ҳамкорлигида доимо эрталиклар ўтказилиб борилади. Яқинда «Нон — ризқ-рўзимиз» мавзусида ўтган эрталик барчага манзур бўлди. Тадбир бошланиши олдидан ўзбек пазандачилигида тайёрланувчи нонларнинг ранги ва кўринишлари, яхши пишитилган хамир, калитлар, чекичлар, пичоқсимон чўплар ҳозирланди. Ноннинг бир неча турлари кўргазмага қўйилди. Нон тайёрлангунга қадар бўлган меҳнат — буғдойнинг экилиши, униши, нонвойларнинг нон пишириш жараёнларига бағишланган шеър, эртак, мақол ва риваятлардан намуналар болалар томонидан ҳикоя қилиб берилди. Бу билан болаларнинг нонга бўлган ҳурмати ортди, нон ҳақидаги тасаввурлари бойиди.

Бундан ташқари, болаларга экологик тарбия беришда, табиатга нисбатан меҳр уйғотишда табиат билан одамнинг ўзаро узвий боғлиқлиги экскурсия, сув ва ҳайвонот дунёси ҳаракатлари орқали таништириб борилмоқда.

Хайрулла ТЎРАЕВ,
Яккабоғ туман халқ таълими бўлими услубчиси.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1996 йил сентябрь ойида режа асосида навбатдаги курслар ишлай бошлайди. Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади.

1. ТШ туман-шаҳар ХТБ методист-назоратчилари (Сирдарё) — 9-28 сентябрь.

2. ТШ ХТБ кутубхона методистлари — 18-28 сентябрь.

3. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари учун мақсадли курс (Андижон) — 16-28 сентябрь.

4. Рус тили ва адабиёти ўқитувчилари методбирлашма раҳбарлари — 2-28 сентябрь.

5. Испан тили ўқитувчилари — 16-28 сентябрь.

6. Болалар саёҳати ва ўлкашунослик маркази (БСУМ) ва турбаза директорлари — 2-14 сентябрь.

7. Олий ва 1-тоифали тарих ўқитувчилари — 2-28 сентябрь.

8. Тарих ўқитувчилари учун муаммоли курс (Самарқандда) — 9-14 сентябрь.

9. Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларининг тарих ва география ўқитувчилари — 9-28 сентябрь.

10. Биология ўқитувчилари учун муаммоли курс — 16-28 сентябрь.

11. Янги турдаги мактаб жисмоний тарбия ўқитувчилари — 16-28 сентябрь.

12. Жисмоний тарбия бўйича мақсадли курс (Навоийда) — 16-28 сентябрь.

13. Соғлом авлодни шакллантиришнинг психологик асослари (Навоийда) — 9-14 сентябрь.

14. Янги дастур ва дарсликлар асосида информатика ўқитувчилари — 16-28 сентябрь.

15. Физика-математика фанлари методбирлашма раҳбарлари — 2-14 сентябрь.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажати ва суткалик ҳақлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. 24 кунлик курсга келган тингловчилар санатория ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 3-6 сентябрь кунлари қабул қилинади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Студентлар шаҳарчаси. Телефон: 46-06-62, 46-06-67.

Узбекистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг ташкилий бўлим бошлиғи ва қўмита аъзоси Равшан Азимовга акаси

АКМАЛ АЗИМОВнинг тўсатдан вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Асқар ШОКИРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0446. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.